

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Fil.113.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

ЖУМАЕВА ЗУБАЙДА ШАВКАТОВНА

**ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ СЕМАНТИК ВА
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАДҚИҚИ**

10.00.01. – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Жиззах – 2021

УЎК: 811.512.133'373.7

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертация автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences

Жумаева Зубайда Шавкатовна
Фразеологик бирликларнинг семантик ва лингвокультурологик тадқиқи 3

Жумаева Зубайда Шавкатовна
Семантическое и лингвокультурологическое исследование фразеологических
единств..... 27

Jumaeva Zubayda Shavkatovna
Semantic and linguoculturological study of phraseological units 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 57

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Fil.113.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЖУМАЕВА ЗУБАЙДА ШАВКАТОВНА

ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ СЕМАНТИК ВА
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАДҚИҚИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Жиззах – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Fin355 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (jsri.uz) да ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziyo.net.uz) да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Маматов Абдугафур Эшонкулович**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Пардаев Азамат Бахронович**
филология фанлари доктори, доцент

Усмонова Шоира Рустамовна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Жиззах давлат педагогика институти хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD 03/04.06.2020.Fil.113.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 5 » Ноябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 130100, Жиззах шаҳри, Ш Рашидов шох кўчаси 4.Тел.: (872) 226-13-57, 226-21-73, факс: (872) 226-46-56; e-mail: jsri.info@mail.uz. Жиззах давлат педагогика институти. Бош ўқув бино, 2-кават, маърузалар зали)

Диссертация билан Жиззах давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (27-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 130100, Жиззах шаҳри, Ш Рашидов шох кўчаси 4.Тел.: (872) 226-13-57; 226-21-73 факс: (872) 226-46-56

Диссертация автореферати 2021 йил « 18 » 10 кунни тарқатилди.
(2021 йил « 18 » 10 да 8 -рақамли реестр баённомаси).



У.А.Жуманазаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари,
ф.ф.д., профессор

Ф.Э.Ибрагимова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
ф.ф.н., доцент

У.Қосимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий
семинар раиси, ф.ф.д., доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тил ва маданият муносабати билан шугулланувчи лингвокультурология соҳасининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оламнинг лисоний тасвири, лингвокультурология, когнитив ва гендер тилшунослик борасида халқаро доираларда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир халқ маданий ўзига хослигини сақлаб қолишга жиддий эътибор қаратаётган бугунги глобаллашув даврида мазкур мавзуга кизиқишнинг орта бораётгани, тилнинг маданиятда акс этиши ва аксинча, маданият белгиларининг тил тизимида ифодаланиши мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Дунё тилшунослигида ҳар бир халқнинг ўз миллий анъаналари, ҳаёт тарзи билан боғлиқ кадрият ва урф-одатларини сақлаб қолиш, ёйиш, миллий тил умрбоқийлигини таъминлашга қаратилган лингвистик тадқиқотларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ушбу тадқиқотлар ҳар бир миллатнинг этногенезиси, моддий ва маънавий маданияти тил билан боғлиқ тарзда ўзининг илмий-назарий асосини топишини исботламоқда.

Ўзбек тилшунослигида ҳам тилнинг миллий маданият билан алоқасини ўрганувчи лингвокультурология соҳасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Бироқ этноснинг моддий-маънавий тамаддунида акс этган миллий онг, тарихий тажриба, дунёқараш, тафаккур, миллий ментал хосланишни намоён этувчи фразеологик бирликларнинг лингвокультурологик тадқиқи доирасида изланишлар етарли даражада амалга оширилмади. Зеро, «Туркий тилларнинг катта оиласига мансуб бўлган ўзбек тилининг тарихи халқимизнинг кўп асрлик кечмиши, унинг орзу-интилишлари, дарду армонлари, зафарлари ва ғалабалари билан чамбарчас боғлиқдир. Аждодларимиз, ота-боболаримиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзини айтиб келганлар. Шу тилда буюк маданият намуналарини, улкан илмий кашфиётлар, бадий дурдоналар яратганлар»¹ Бу бебаҳо меросни, айниқса, тилимизнинг ноёб хазинаси бўлмиш фразеологик бирликларни кенг ўрганиш бўйича лингвомаданий замонавий ёндашувлар асосида илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлиги ҳозирги замон тилшунослигининг долзарб масаласидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 февральдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган таътанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2019 йил, 22 октябрь.

тўғрисида»ги фармонлари; 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъмурий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизimini шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида фразеологик бирликларни лингвокультурологик жиҳатдан ўрганиш XX асрнинг 90-йилларидан бошланган. Илк тадқиқотлар В.Н.Телия раҳбарлигидаги Москва фразеологик мактаби тилшунослари Ю.С.Степанов, А.Д.Арутюнова, В.В.Воробьев, Н.Ф.Алефиренко, В.М.Шаклеин, В.А.Масловлар томонидан олиб борилган изланишлар² билан боғлиқ равишда пайдо бўлган.

Ўзбек тилшунослигида фразеологизмларни илмий-амалий тадқиқ қилиш бўйича қатор докторлик³, номзодлик ва филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари⁴ ҳимоя қилинди, илмий мақолалар⁵, монография ва ўқув қўлланмалари нашр этилди⁶.

² Телия В.Н. Русская фразеология: семантические, прагматические и лингвокультурологические аспекты. – Москва, Школа. «Языки русской культуры», 1996. С. 286; Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. Учебное пособие – Москва, Наука, 2010. – С. 21; Маслова В.А. Лингвокультурология. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – Москва, Изд. Центр «Академия», 2001. С. – 208.; Шаклеин В.М. Лингвокультурология. Традиция и инновации. Монография – Москва, Флинта, 2012. С. – 301.; Воробьев В.В. Лингвокультурология: теория и методы. Монография. – М. Изд. РУДН, 2008. – С. 240.

³ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. Филол. фан. д-ри дис. ...автореф.–Тошкент, 1966. –Б.46; Йўлдошев. Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари. Филол. фан. д-ри дис. ...автореф.–Тошкент, 1993. –Б.47; Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. Филол. фан. д-ри дис. ...автореф.–Тошкент, 2000. –Б.56.

⁴ Рўзикулова М. Ўзбек тилида идиомалар: Филол. фан. ном. дис. ...автореф. –Тошкент, 1966. –Б.20; Исаев А. Соматикские фразеологизмы узбекского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. –Тошкент, 1976. –Б.21; Ҳакимов Қ. Ўзбек тилидаги содда гап қолитли фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанлиги. Филол. фан. ном. дис. ...автореф. –Тошкент, 1994. –Б.27.; Усмонова Ш. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар. Филол. фан. ном. дис. ...автореф. –Тошкент, 1998. –Б.24; Алмаматова Ш. Ўзбек тили фраземаларининг компонент тахлили: Филол. фан. ном. дис. ...автореф. –Тошкент, 2008. –Б.23; Вафоёва М. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик тахлили. Филол. фан. ном. дис. – Тошкент, 2009. –Б.127; Рашидова У. Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг семантик-прагматик тахлими: кўз, қўл ва юрак компонентли иборалар мисолида: Филол. фан. фалсафа док (PhD) дис. ...автореф. – Самарқанд, 2018. –Б.51; Болтаева Б. Ўзбек тили фразеологик бирликларнинг трансформацияси (семантик-прагматик тахлил): Филол. фан. фалсафа док (PhD) дис. ...автореф. –Самарқанд, 2019. –Б.48; Мусаев А. Грамматическая разработка глагольных фразеологизмов в толковых словарях русского языка. Диссер. док. филол. наук (PhD). –Ташкент, 2019. –С. 123.

⁵ Маматов А. Лексик интеграция асосида фразеологизмларнинг шаклланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1999. №6. –Б.29-33; Умаров Э. Фразеологическая контаминация языка Алишера Навои // Сов. тюркология. –Ташкент, 1974. №5. –С.23-27; Раҳматуллаев Ш. Фельс. фразеологик бирликларда мавжудлик категорияси // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1963. №4. –Б.32-36.

Лингвокультурология тилни маданият феномени сифатида ўрганувчи фан бўлиб, ўзаро алоқдорликда бўлган тил ва маданият унинг предметини ташкил қилади. В.Н.Телия бу ҳақида шундай ёзади: «Лингвокультурология инсоний, аниқроғи, инсондаги маданий омилини тадқиқ этувчи фандир»⁷. Тилшунос Г.Г.Слышкин ўз изланишларида бу фикрни конкретлаштиради ва лингвокультурологиянинг маркази маданият феноменидан иборат бўлиши инсон ҳақидаги фаннинг антропологик парадигмага тегишли ҳодиса эканлигидан далолат беришини⁸ таъкидлайди.

Ўзбек тилшунослигида лингвокультурологик тадқиқотлар охирги ўн йилликларда пайдо бўла бошлади. З.И.Солиеванинг номзодлик ишида ўзбек ва инглиз тилларидаги сентенция, яъни ахлоқий-таълимий характердаги матнларнинг миллий-маданий хусусиятлари⁹ ёритилган. Д.Худойбергеновнинг «Матннинг антропоцентриқ тадқиқи» номи монографияси ўзбек тилидаги матнларнинг лингвокультурологик хусусиятларини ўрганишга бағишланган.¹⁰ Ш.Усмонованинг «Лингвокультурология» дарслигида тил ва маданият, лингвокультурологиянинг асосий мақсад ва вазифалари, йўналишлари, методлари, лингвомаданий бирликлар тахлили, турли лингвомаданиятлардаги рамзлар ва стереотипларнинг киёси, маданиятнинг тилдаги ўрни каби масалалар ёритилган.¹¹ А.Маматовнинг «Ўзбек тили фразеологияси» ўқув қўлланмасида фразеологик бирликларни ўқитишнинг лингвомаданий ва дидактик аҳамияти ҳақидаги тушунчалар изоҳлаган.¹² Диссертацияда жаҳон тилшунослигига янгича қарашлари билан кириб келган - *этнофразеология* ҳақидаги тушунча илч бор ўрганилди. Ушбу соҳага асос солган тилшунос олимлардан В.И.Аверченко, Т.И.Скоробогатова, М.С.Гутовскаялар ўз изланишларида¹³ *этнофразеология* айнан этноним сўзлар жамланмасида бошқа тил бирликларига нисбатан шаффоф ва аниқ кўринишга эгаллигини ҳамда у ёки бу этник жамият кўрсаткичлари билан шугулланувчи соҳалигини исботлашади. Биз шу ўринда ўзбек фразеологик бирликлари ҳам этнофразеологик жиҳатдан ўрганилиши зарур деб ҳисоблайди.

⁶ Маматов А. Фразеологизмларнинг шаклланиш асослари. –Тошкент, Наврўз, 1996. –Б.54; Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. –Тошкент, Фан, 1970. –Б.60; Йўлдошев Б. Ўзбек тилида фразеологизмларнинг услубий ва прагматик имкониятлари. –Самарқанд. Сам. ДУ нашри, 2002. –Б.37;

⁷ Телия В.Н. Русская фразеология: семантические, прагматические и лингвокультурологические аспекты. – Москва. Школа «Языки русской культуры», 1996. С. –222.

⁸ Слышкин Г.Г. От текста к символу к символу. Лингвокультурные концепты преседенных текстов в сознании дискурса. –Москва. Академия, 2002. С. –128.

⁹ Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально-культурная специфика синтений в английском и узбекском языках: Автореферат дис. ... канд. филол. наук. –Тошкент, 2010. С. –25.

¹⁰ Худойбергенова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. –Тошкент. Фан, 2013. –Б.136.

¹¹ Усмонова Ш. Лингвокультурология. –Тошкент, 2019. –Б.246.

¹² Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси. Ўқув қўлланма. –Тошкент. Наврўз, 2019. –Б.224.

¹³ Гутовская М.С. К вопросу этноспецифичности во фразеологии: этнокогнитивная специфичность. Когнитивные факторы взаимодействия фразеологии со смежными дисциплинами. Сборник научн. трудов. Белгород, 2013. С. –129. <https://elib.bsu.by/handle/123456789/207863>;

Скоробогатова Т.И. Этническая картина мира и этнодиалогия // Вест Православ. Свято-Тихон гуманитар. Ун-та Сер. 3. Филология, 2007. –№9. –С. 97-114.

Юқоридаги изланишларда фразеологик бирликлар лингвокультурологик, лингвопрагматик жиҳатдан айнан жонли коммуникатив жараёнлар ва уларда қўлланиладиган тил ифодаларининг синхрон ҳаракатидаги халқ менталитети билан алоқаси тадқиқ қилинмаган. Иборалар халқ тафаккури маданияти ва менталитетининг муҳим хусусиятлари ва қимматли маълумотлар манбаи саналгани учун, ишимизда халқимизнинг азалий миллий удумлари, ривоятлари, таомиллари, урф-одатлари, одоб-ахлоқ, турмуш тарзи ва рамзлар ҳақидаги тасаввурлари инобатга олиниб, фразеологизмлар этник, семантик ва лингвокультурологик жиҳатдан тадқиқ қилинади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Жиззах давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 1-сон «Филология фанларининг долзарб муаммолари ва уларни амалиётга жорий этишнинг янги педагогик технологиялари» (2018-2020 й) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади озиқ-овқат, зооморфизм, кийим-кечак, ранг, рақам компонентли этнофраземаларнинг рамзий хусусиятларини семантик-прагматик, лингвокультурологик ҳамда тиллар миқёсида миллий-маданий жиҳатдан очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фразеологик бирликларни лингвокультурологик ментал тадқиқ этишда айна хусусиятини ифодаловчи компонентли фразеологик бирликларнинг миллий-маданий семантикасини тил миқёсидаги моҳиятини белгилаш;

миллатнинг энг асосий таомилларини ўзида қамраб олган ва шу миллат дидини белгилаб, миллий, маънавий-руҳий эҳтиёжини кўрсата олишга хизмат қилувчи озиқ-овқат компонентли фразеологик бирликларни тадқиқ этиш;

миллатнинг лисоний бойлиги, тафаккури, ранг-баранглиги, ўзига хослиги манзарасини очиб беришга хизмат қиладиган, шу билан бирга миллий кадриятларимизни ўзида қамраб олган зоонимик фразеологик бирликларнинг этномаданий хусусиятларини кўриб чиқиш ва тилшунослик анъаналари асосида тавсифлаш;

фразеологизмларнинг лингвокультурологик хусусиятларини тадқиқ этишда ранг ва рақам компонентли фразеологик бирликларнинг яратилиш жараёни ва тарихи, этимологияси, ўзга миллат эътиқодига мансуб инсонлар фаразидида фразеологик бирликларнинг жозибadorлигини очиб бериш;

ўзбек тили этнофраземаларини лексик-семантик, функционал, систем-структур ва тематик жиҳатдан замонавий дунё тилшунослиги тажрибаларига асосланган ҳолда изоҳлаш.

Тадқиқотнинг объектини фразеологик лугатлардаги озиқ-овқат, ранг, рақам, кийим-кечак, зооним компонентли фразеологик бирликлар ҳамда бадий асарлардаги индивидуал-автор фразеологик бирликлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметни фразеологик бирликларнинг лингвокультурологияси ва унинг семантик-прагматик тадқиқи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, семантик, систем-структур, қиёсий-тарихий компонент таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миллий кадриятларни акс эттирган “рўмол ўрамоқ”, “нонини туя қилмоқ”, “мусичадай беозор” каби урф-одатлар билан боғлиқ кийим, озиқ-овқат, зооним компонентли фразеологик бирликларнинг анъана, расм-русумларга оид диний ва халқ тафаккур даражасини белгиловчи ижтимоий-тарихий этномаданий хусусиятлари очиб берилган;

“оқкўнгил”, “оқ ювиб, оқ тарамоқ”, “оқи оқ, қизили қизил” “оқ қилмоқ”, “ичи қора”, “оқ сутини оққа, кўк сутини кўкка соғмоқ” сингари ранг компонентли фразеологизмлар семантик нуқтаи назардан самимийлик, меҳрибонлик, гўзаллик, хурсандчилик каби ижобий ҳамда норозилик, ҳасадгўйлик, дангасалик каби салбий коннотация касб этиши аниқланган;

рақам компонентли “бир бошини иккита қилмоқ”, “тўрт кунлик дунё”, “санамай саккиз дема”, “эшак эллика кирганда қилик чиқарар”, “сичқоннинг ини минг танга” сингари фраземалар яқдиллик, бирдамлик, оила қурмоқ, ўткинчилик, шошалоқлик, бефаҳмлилик, чорасизлик каби рамзий маънолар ифодалашни далилланган;

“тўнини тесқари қиймоқ”, “атлас қўйлаққа бўз ямоқ”, “кавуши кўчада қолгани йўқ”, “оқ фотиҳа”, “қора саҳифа” каби фразеологик бирликлар миллий-маданий семантикасининг лугатларда акс этган халқ ҳаётига мансуб воқеа-ҳодисалар, ахлоқий маънавий-маданий меъёрлар, миллий анъана ва урф-одатлар каби диахрон қўлланиш доираси аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижаларидан тилшунослик фанининг янги йўналишлари бўлган этнофразеологистика, этнолексикографияни муайян илмий-назарий қарашлар билан бойитиш ва чуқурроқ ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган;

диссертациянинг умумлашма хулосалари ўзбек тили этнофраземаларнинг фразеологик назариясини бойитиши ва фразеологик бирликларни ҳудудий ёки умумий этнофраземик аспектда ўрганувчилар учун муҳим манба бўла олиши асосланган;

этнофраземалар мисолида асосланган тадқиқот натижалари соҳага доир муҳим илмий-назарий маълумот бериши билан бирга тил ва маданият масалаларини ўрганувчи этнолингвистика, лингвокультурология, социоллингвистика, антропоцентрик тилшунослик каби соҳалар бўйича дарслик ва қўлланмалар яратилишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги халқ жонли мулоқот нутқи, яратилган фразеологик лугатлардан олинган материаллар этнофраземалар табиатидан келиб чиқиб изоҳланганлиги, назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилганлиги, методик жиҳатдан мукамаллиги, олдига қўйилган муаммонинг аниқ ва старлича асосланганлиги, тадқиқот

натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан эътироф этилгани, жаҳон тилшунослигининг янги йўналишлари ва таҳлилий усуллари асосида тадқиқ қилингани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фразеология, этнолингвистика, тил ва маданият алоқаларини ўрганувчи ёндош соҳалардаги илмий-назарий муаммоларни ҳал қилишда асос бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ўзбек тили фразеологизмларининг лингвокультурологик, этнолингвистик тадқиқи бўйича яратиладиган дарслик, ўқув кўлланмаларини такомиллаштириш, олий ўқув юр்தларининг бакалавр ва магистратура таълим йўналишларида «Фразеология», «Лексикология», «Этнолингвистика», «Лингвокультурология» бўйича махсус курсларни ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фразеологик бирликларнинг семантик ва лингвокультурологик тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

миллий кадрятларни акс эттирган “рўмол ўрамоқ”, “нонини туя қилмоқ”, “мусичадай беозор” каби урф-одатлар билан боғлиқ кийим, озик-овкат, зооним компонентли фразеологик бирликларнинг анъана, расм-русумларга оид диний ва халқ тафаккур даражасини белгиловчи ижтимоий-тарихий этномаданий хусусиятларига оид илмий хулосаларидан 2017-2020 йилларда бажарилган ФЗ-2016-0908165532 рақамли «Қорақалпоқ тилининг янги алфавити ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси» номли фундаментал лойиҳасининг назарий қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоқ филиалининг 2021 йил 5 июлдаги 147-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳанинг семантик, статистик ва қиёсий таҳлилларнинг мукаммаллашувига ҳамда лойиҳада ишлатилган тушунлиши қийин айрим сўз ва фразеологизмларнинг имлоси ва лексикографик изоҳларнинг бойитилишига эришилган;

“оққўнғил”, “оқ ювиб, оқ тарамоқ”, “оқи оқ, қизили қизил” “оқ қилмоқ”, “ичи қора”, “оқ сутини оққа, кўк сутини кўкка соғмоқ” сингари ранг компонентли фразеологизмлар семантик нуқтаи назардан самимийлик, меҳрибонлик, гўзаллик, хурсандчилик каби ижобий ҳамда норозилик, ҳасадгўйлик, дангасалик каби салбий коннотация касб этиши нуқтаи назаридан; рақам компонентли “бир бошини иккита қилмоқ”, “тўрт кунлик дунё”, “санамай саккиз дема”, “эшак элликка кирганда қилиқ чиқарар”, “сичқоннинг ини минг танга” сингари фраземалар яқдиллик, бирдамлик, оила курмоқ, ўткинчилик, шошқалоклик, бефаҳмлилик, чорасизлик каби рамзий маънолар ифодаланиши жиҳатдан аниқланган хусусиятлари таҳлилидан МУЗ-2015-0725140051 «Бошланғич синф ўқувчиларининг нутқини бойитишда инглизча-русча-ўзбекча фраземалар луғатини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Жиззах давлат

педагогика институтининг 2021 йил 28 июндаги 04-430-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳадаги сўз ясалиш ва фразеологик шаклланишларнинг таҳлили ва изоҳлари мукаммалашган;

“Тўнни тесқари киймоқ”, “атлас кўйлакка бўз ямоқ”, “кавуши кўчада қолгани йўқ”, “оқ фотиха”, “қора саҳифа” каби фразеологик бирликлар миллий-маданий семантикасининг луғатларда акс этган халқ ҳаётига мансуб воқеа-ходисалар, ахлоқий маънавий-маданий меъёрлар, миллий анъана ва урф-одатлар каби диахрон кўлланиш доирасида аниқланган изоҳларидан “Изоҳли луғат” ҳамда “Тил борки миллат барҳаёт” кўрсатув ва эшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Жиззах вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 4 июнидаги 01-08/687-сон маълумотномаси). Натижада ушбу кўрсатув ва эшиттиришларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ва долзарблиги илмий-амалий аҳамият касб этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 6 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни юзасидан 18 та илмий мақола ва тезислар чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Олий аттестацияси комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 5 та, хорижий журналларда 2 та ва илмий тўпламларда 11 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 147 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, уларнинг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг «Фразеологик бирликларнинг лингво-культурологик ментал тадқиқи» деб номланган биринчи боби уч фаслни ўз ичига олади. Бобнинг биринчи фасли «Кийим компонентли фразеологик бирликларнинг лингвокультурологияси» мавзусига бағишланган. Тиллар бир-биридан нафақат тузилишига кўра, балки миллий-ижтимоий жиҳатдан ҳам фарқланади. Бу фарқлар эса тил бирликларида яққол намоён бўлади. Муайян

тил вакили айни дамда муайян маданият вакили ҳамдир. Ҳар қандай маданият тилда ўз ифодасига эга бўлади ва улар фразеологизмларда ҳам ўз ифодасини топиши табиийдир. Бугунги кунда лингвокультурология ушбу масалаларни чуқур ўрганувчи, миллий тилда ва тил жараёнларида намоён бўладиган моддий ва маънавий маданиятни ўрганувчи ижтимоий соҳа ҳисобланади.

Лингвокультурология – маданиятнинг миф, афсона, урф-одат, анъана, удум, таомил, рамзларни ўрганувчи соҳа. В.Н.Телиянинг фикрига кўра, лингвокультурология, аввало, жонли коммуникатив жараёнларни ва уларда қўлланиладиган тил ифодаларининг синхрон ҳаракатидаги халқ менталитети билан алоқасини тадқиқ қилади. Лингвокультурология тилшуносликнинг мустақил йўналиши сифатида XX асрнинг 90-йилларида вужудга келди ва ушбу атама (лот. *lingua* «тил», *cultus* «ҳурмат қилиш, таъзим қилиш») В.Н.Телия раҳбарлигидаги Москва фразеологик мактаби томонидан олиб борилган изланишлар билан боғлиқ равишда пайдо бўлган¹⁴.

Маълумки, инсоният турмуш тарзи тараққиёти маънавий эҳтиёж ва кийим-кечак билан чамбарчас боғлиқ ҳолда юзага келган. Айнан кийим инсонни ҳайвондан ажратувчи муҳим ташқи аломатлардан бири ҳисобланади. Ўзбек халқи кийимиш маданияти нуқтаи назаридан ҳам дунёдаги халқларнинг олдинги сафларида туради. Бир неча минг йиллар илгари ота-боболаримиз эғнига яқтак, оёққа ковуш-маҳси, этик, бошга шабпўш, дўппи, телпак, устга чопон, тўн кийиб, белга белбоғ, қарс боғлашган.

«Тўнни тесқари киймоқ» фразеологизми «ўчакишган ҳолда қайсарлик қилмоқ» маъносида ишлатилади. Ушбу иборанинг асл моҳиятини «камбағални урма, сўйма, тўнни йирт» фраземаси очиб беради. Ғазаб отига миниб, муштлашаман деган камбағал лой, қон тегса астарга тегсин, йиртилса астар йиртилсин, ямоқ тушса астарга тушсин деб тўнни тесқари кийган. Камбағалнинг тўни битта бўлган, йиртилса бошқасини қиёлмаган. Кузатишларимизга кўра, кўпгина туркий тиллар лингвомаданиятида тўн сўзининг семантик тараққиёти қуйидагича тарзда кечган: «Тўн» туркий тилларда ниҳоятда кенг тарқалган кийим номи бўлиб, Л.Будагов татар тилида *тон*, турк тилида *дон* – тўн, этик, оёқ кийими, қирғиз тилида эса «аёлларнинг ёзги уст кийими» маъносини англатишини қайд этади.¹⁵ Бу сўзнинг турли хил кийим номларини англатгани унинг хом ашёга кўра номланганини тахмин қилишга асос бўлади. Сўзнинг бошқа туркий тиллардаги шакли ва маъноларига диққат қилинса, фикр янада аниқлашади. Хусусан, хакас тилида *тон* – «пўстин»¹⁶, нўғой тилида *тон* – «тери», «тулуп», шу асосда *тонлав* – «ўлган ёки овланган ҳайвоннинг терисини шилмоқ», *тонлик* «кийимга мўлжалланган тери»¹⁷, татар тилида *тун* – «тўн», «пўстин», «туналту» –

¹⁴Телия В.Н. Русская фразеология: семантические, прагматические и лингвокультурологические аспекты. – Москва: Школа «Языки русской культуры», 1996. С. –286.

¹⁵Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Том II. – СПб, 1871.-С.753.

¹⁶Хакаско-русский словарь. –Москва, 1983. С. –23.

¹⁷Ногайско-русский словарь. –Москва, 1963. С. –356-357.

терисини шилмоқ»¹⁸ маъноларида ишлатилади. В.В.Радлов мазкур сўз семантик жиҳатдан тува тилида *диин*, бошқирд тилида *тежен/тиин* шаклида ишлатилувчи *тин* («олмаҳон») сўзига боғлиқ, деб ҳисоблайди¹⁹. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикасини тадқиқ этган Д.Абдувалиева ҳам *тийин* лексемаси зооним бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида истеъмолда эканлигини ва «олмаҳон» маъносини ифодалашини таъкидлаб ўтган²⁰. Шу тарзда қадимги туркий тилдаги *тин* сўзининг «тери» маъноси асосида унинг пул бирлиги (Ўзбек тилидаги *тийин*, тожик тилидаги *тин*), рус тилидаги (деньга – танга) *деньги*, корейсча *тон* сўзлари ҳосил бўлган. Келтирилган лексикографик изох ва таҳлиллар²¹ тўн сўзининг дастлаб «тери» маъносини англатганини янада конкретлаштиради.

Этнокультурологик универсалиялар категориясига рус фразеологик бирликларидан «*краснеть как сарафан*» – «ҳаёжондан қизармоқ» этнофраземасини мисол қилишимиз мумкин. Фразеологизм таркибида русларнинг миллий уст кийими – «сарафан» келтирилганини кўрамиз. Рус миллий аёллар кийимлари бу – *сарафан* ёки *понёва* (жун газламадан тикилган юбка) ҳисобланади. Сарафан – қадимги эркаклар чакмони бўлиб, кейинчалик, аёлларнинг байрамона либоси турига айланган ва у, асосан, кизил матодан тикилган. Эътиборлиси шундаки, қадимги рус миллий кийими номи аслида «*сарпо*» [ЎТИЛ.Ш.446], яъни «*бошдан оёк кийдириладиган бир сидра кийим*» маъносини англатадиган лексемадан вужудга келган ва бу жиҳат қадимдан халқимиз миллий кийимларининг айрим номлари бошқа миллат кийим номларидан анча қадимийлигини кўрсатиб беради.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос кийим-кечак номлари ва реалиялари ҳам миллий фразеологизмларни ҳосил қилишда асос вазифасини ўтайди. Масалан, «*тўнни тесқари кийиб олмоқ*» – ўчакишган ҳолда қайсарлик қилмоқ, «*дўппини осмонга отмоқ*» – жуда хурсанд бўлмоқ, «*дўппи тор келди*» – илож-имконсиз оғир аҳволга тушмоқ, «*бир-икки яқтакни ортиқроқ йиртган*» – ёши каттароқ, турмуш тажрибаси кўпроқ, «*атлас кўйлакка бўз ямоқ*» – арзимаган нуқсон яхши нарсани бузиши, «*лайтавасига қурт тутиди*» – хотиржамлиги бузилиб, бир ерда тинч тура олмаслик.²² Бундан ташқари, ушбу фаслда фразеологизмлар таркибидаги миллий асосга урғу берувчи *рўмол*, *чопон*, *тўн*, *дўппи*, *маҳси*, *кавуш*, *мурсақ*, *камзул*, *салла* кийим-кечаклари, *атлас*, *адрас* ва *беқасам* каби миллий матолари компонент сифатида қатнашган этнофраземалар ҳам лингвокультурологик жиҳатдан тадқиқ этилган.

Бобнинг «*Озиқ-овқат компонентли фразеологизмларда менталитет ифодаси*» номи иккинчи фаслида менталитет намунасини акс эттирувчи омиллардан бири ҳисобланмиш *озиқ-овқат* компонентли этнофраземаларнинг миллий-маданий лингвокультурологик концепти ўзига

¹⁸Татарско-русский словарь. –Москва, 1966. С. –556.

¹⁹Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Том III. –СПб., 1905. С. –1360-1361.

²⁰Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. –Тошкент: Фан, 2016. –Б.115.

²¹Норбоева Ш.Х. Хоразм шеваларидаги кийим-кечак номларининг структур-семантик тадқиқи. Автореф. дис. (РФД) –Тошкент, 2017. –Б.16.

²²Усмонова Ш. Лингвокультурология. –Тошкент, 2019. –Б.97.

хос ўринга эгаллиги ёритилган. Таом – маданиятнинг шундай моддий элементики, унда бошқаларига қараганда кўпроқ миллий қарашлар сақланиб, халқнинг ўзига хос миллий хусусиятлари ҳақидаги фарзлари шаклланади ва осон тушунилади.

Ўзбек тили лексикасининг таркибида пазандачиликка оид лексемалар ўзига хос ўринни эгаллаши Н.Икромованинг изланишларида тадқиқ этилган.²³ Лекин шуни эътиборга олиш лозимки, пазандачилик билан алоқадор хилма-хил лисоний ассоциациялар шу касб-кор эгаларининг иш жараёни, қолаверса, улар томонидан тайёрланган таомларнинг у ёки бу хусусиятлари муайян образларнинг шаклланишига асос бўлиши қўрсатиб ўтилмаган. Масалан, «зуваласи пишиқ» фразеологизми хамир қориш билан боғлиқ воқеликни образли ифодалаш асосида шаклланади. Хамир қанчалик кўп қорилса, ишлов берилса, у шунчалик сифатли, хамирдан олинган зувалалар эса пишиқ бўлади. Шу реал воқелик жараёни кишиларга нисбатан ишлатилиб, «жисмонан пишиқ-пухта, ёшига нисбатан бақувват, пишиқ одам» каби кўчма маъно юзага келади: *Зуваласи пишиқ кичкинагина чол [Тўғонбекни] ширин сўз билан қаршилади.* [ЎТИЛ. II.91]

Ўзбек халқи урф-одати билан боғлиқ «нон синдирмақ» фразеологизми никоҳ тўйи маросимларининг бир қисми: қиз томон, яъни унинг ота-оналари совчи юборган томонга ўз розилигини бергач, совчилар келтирган дастурхон очилиб, шу розилик белгиси сифатида нон синдирилиши ва тўй билан боғлиқ масалаларнинг белгиланиши, ҳал қилиниши²⁴ маъносида қўлланилиб, бу маросим айнан ўзбек миллий лингвокультурологиясининг ифодаси ҳисобланади.

Фразеологизмларда фақат ўзбек миллий ошхонасига оид лексемаларнинг кўплаб учраши ҳам тилимизнинг бойлигидан далолатдир. Мухими, уларнинг ҳар бири ўзбек миллий урф-одатлари, маиший турмуши ҳамда кадриятлари ҳақида тушунча ва тасаввур бериши билан эътиборга лойиқ. Айтайлик, «ош, палов» компонентли фразеологизмларимиз талайгина: *камбағалнинг (етимнинг) оғзи ошга етганда бурни қонайди; бировга берсам – эсиз ошим, уйда турса – сасир ошим; дамида ош пишади; димоғида ош пишади; бермаснинг оши пишмас; оғзи ошга етди; сўккани сўк оши, ургани ун оши; кўрибсанки ош, кўтармагин бош; ошдан тош чиқди; ош бўлсин; ошга тушган пишсадай; қуданинг оши билан қудагайни сийламоқ; ҳар ошга қатиқ; ош ошлигини қилсин, чой чойлигини; ошини иссиқ ичма; ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич; Ош нафақат миллий таом номини, балки овқат, таом, емак каби маъноларида ҳам ишлатилади. Лекин, барибир ош лексемасини эшитган тингловчининг кўз олдида биринчи бўлиб миллий таом – палов тасвири жонланади: *Нигор ойим сопол лаганда палов келтириб, ҳаммалари бирга ошга ўлтирдилар.* [ЎТИЛ. III.210]*

Я.И.Калонтаров тожик, ўзбек ва рус мақол ва иборалар луғатида «*Ишга чўлоқ, ошга кўноқ*» иборасининг муқобили сифатида рус тилидаги «*А где щи,*

тут нас щци»²⁵ фразеологизмини келтиради. Фразеологизмлардаги озиқ-овқат компоненти маданий кодни белгилаш тамойилига кўра, бир хил, тенг тушунчани ҳосил қилган: *ош* бу ерда нафақат емак маъносида, балки миллий таомимиз сифатида ҳам белгиланган зарурий мазмунни ёритиб бериш учун хизмат қилади. *Щци* ҳам русларнинг қадимги миллий таомидир. Бизнингча, халқ мақол, матал ва иборалари тузилишига эътибор қаратсак, ҳар бир миллат кадрияти, удуми, турмуш тарзи ва анъналаридан келиб чиқиб компонент танлайди ва бу унинг фақат ўзигагина тааллуқли лисоний атрибут, кадрият ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, ибораларни лингвомаданий концептуал асосларда ўрганиш нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белгиларини ажратиш, борлиқнинг лисоний манзарасини яратишда алоҳида аҳамият касб этади. Ибораларни ўрганишда турли тил вакилларининг борлиқ, ундаги нарса ва ҳодисаларга муносабати, миллий ва маданий дунёқараш каби хусусиятлар марказий ўринда туради. Ибораларни этник, ижтимоий, прагматик жиҳатдан ўрганиш эса унинг айна хусусиятларини янада кенгрок ва теранрок очиб бериш имконини беради²⁶.

«Зоонимик фразеологик бирликларнинг лингвокультурологик хусусиятлари» деб номланган учинчи фаслда ҳар хил миллат вакиллари ҳайвон номларини коннотатив маънода ҳам қўллаши, ҳайвон номларини ифодаловчи лексемаларга ижобий ёки салбий маънолар ҳам юкланиши, зоонимлар киши онгида маълум тушунча ва тасаввур билан боғлиқ тушунчаларни ҳосил қилиб, ушбу жараёнда улар рамз вазифасини ҳам бажара бошлаши таҳлил этилади. Ҳар бир халқ характери ва менталитетини очиб берувчи фразеологизмлар ва уларнинг бир қисмини ташкил этувчи зооморфизмлар муайян миллат ҳаёти, тарихи ва ўзлигини ўрганишга катта ёрдам беради. Зоонимли фразеологизмлар ўтган асрнинг олтинчи йилларидан бошлаб тилшунослик фанида *зооморфизмлар* деб атала бошланди. Зооморфизмлар масаласини А.Кунин, М.Черемесина, Э.Каситадзе, Э.Гутман, Г.Ҳақимова, Д.Бахронова, З.Холмонова, Ш.Алмаматова²⁷ каби хориж ва ўзбек тилшунослари ўз тадқиқотларида кўриб чиққанлар.

Ҳайвонлар: тулки – айёрлик ва чаққонлик; бўри – очкўзлик ва йирткичлик; илон – маккорлик, ҳийлакорлик, разиллик, қабихлик; айиқ – мурувватлилиқ, бесўнақайлик; чумоли – меҳнатқашлик; эшак – аҳмоқлик; ит – вафодорлик рамзи сифатида шахснинг у ёки бу характери, хулқ-атворини ифодалаган. Мазкур зоонимик лексемалар фраземалар таркибида иштирок этиб, уларни ифодавий ва мазмунан шакллантиради ҳамда эмоционал-тасвирчанлигини кучайтиради. Масалан, *қўй* – лексемаси билан нутқда қўлланилиш даражаси юқори бўлган «*қўйи мингга етди*», «*қўйдек юввош*»,

²⁵ Я.И.Калонтаров. Таджикские пословицы и поговорки в сравнении с узбекскими. Из-во «Дониш» Душанбе, 1969. – С.174.

²⁶ Ярашова Н. Ибораларнинг лингвомаданий тадқиқи. Тил ва адабиёт таълими журнали. 2018.11-сон. – Б.28.

²⁷ Холмонова З. Лингвокультурологияга оид тушунчалар таҳлиқи. – Тошкент: Наврўз, 2018. – Б.45.

Алмаматова Ш.Т. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлиқи. Филол. фанлари номзоди. дисс. – Тошкент, 2008. – Б.62. Бахронова Д.К. Антропозооморфизмларнинг семантик ва лингвокультурологик хусусиятлари. Автореф. дис. (PhD). – Тошкент, 2017. – Б.15.)

²³ Икромова Н. Кулинария лексика узбекского языка – Автореф. дис. канд. филол. наук. – Ташкент, 1993. – С.56.

²⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент, 2007.3-жид. – Б.57.

«*қўй оғзидан чўп олмаган*» каби фраземалар шаклланади. Бунда қўйнинг хислатлари фраземалар учун мантикий асос бўлиб хизмат қилади. Қўй – айниқса, оқ қўчқор қадимги туркий халқлар томонидан Қўк тангрига бағишланган қурбонликдир. Ўзбек лингвомаданиятида қўй ювошлик тимсоли, Ислолда қурбонлик ҳайвони сифатида намоён бўлади.²⁸

Ёввойи ёки йирткич ҳайвон номларини ифодаловчи лексемаларни символлаштириш ҳисобига салбий маъно ифодаловчи фраземалар шаклланади. *Илон* – мураккаб ва универсал тимсоллар сирасига киради. Булғорлар илонни ўлдирмаганлар, бошқирлар ўн иккита Тангридан бири сифатида қабул қилганлар, Қалмиқлар илонни самовий мавжудот деб билганлар.²⁹ Юнон анъаналарида илон донишмандлик, ҳаётнинг янгиланиши, қайта тирилиш рамзи ҳисобланади. Аслида, даҳолик, ҳушёрлик рамзини англатса-да, илоннинг салбий белги-хусусиятлари асосида ўзбек тилида «*ернинг тагида илон қимирласа билмоқ*» фраземаси шаклланиб, ўта сезгир кишилар характерини ифодалайди. «*Илон ёғи еган*», «*илоннинг ёғини ялаган*», «*илон пўст ташлайди*», «*илоннинг оёғини санаган*», «*илондай аврамоқ*» каби фраземаларнинг шаклланишида айни шу белги-хусусиятлар мантикий асос бўлиб хизмат қилган ва *илон* лексемаси семантик таянч аъзо бўлиб келади. «*Илон*» зооним компонентини рус тилида ҳам салбий маънода қўллашади: «*змея подколодная*» – ўтакетган ярамас, ёвуз одам, «*змею на груди отогреть*» – қўйнида илонни асрамоқ. «*До зелёного змия*» – ибораси ўлгудек ичмоқ, ҳаддан ташқари маст бўлмоқ маъносига келади ва бу иборанинг муқобили ўзбек тилида умуман йўқ. Бу ҳолат миллият руҳияти ва диний эътиқоди билан ҳам боғлиқ. Ҳаммага аёнки, мусулмончиликда маст килувчи ичимликлар истеъмол қилиниши тақиқланган.

Кузатишларимиздан маълум бўлдики, ҳайвонот оламини ифодаловчи лексемалар аксарият ҳолларда салбий маъноли фразеологик бирликларнинг шаклланишида иштирок этади, улар нутқнинг образлилигини, унинг таъсирчанлик хусусиятини янада оширишга хизмат қилади.

Иккинчи боб «**Ранг компонентли фразеологик бирликларнинг лингвокультурологик хусусиятлари**» деб номланди ва у икки фаслдан иборат. Бобнинг «*Ранг компонентли ижобий маъноли фразеологик бирликларнинг лингвокультурологияси*» номли биринчи фаслида халқ менталлигини, унинг аклий ва руҳий қувватининг ички тузилишини ва дифференциясини акс эттирадиган категория тушунчаси, яъни *менталитет* тушунчаси ёритилган.

Менталитет (нем. mentalität < lot.mens. mentis – ақл – идрок) жамият, миллият, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маданий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, савияси, муайян ижтимоий шароитлардаги аклий қобилияти, руҳий қувватидир.

²⁸Усмонова Ш. Лингвокультурология. – Тошкент, 2019. – Б.152.

²⁹Roux J.P. Turklerin Ve Mog'ullarin Eski dini. Ceverin: A.Kazancigil. -Istanbul: Isaret Yayinlari, 1998. – S.151.

Қадимги аждодларимиз икки хил асосдаги рамзларга кўпроқ мурожаат этганликларининг гувоҳи бўламиз. Биринчиси – нарса рамз, иккинчиси – ранг рамз. Ушбу рамзларнинг қайси бири қадимий деган савол туғилиши табиий. Ўйлашимизча, нарса рамз қадимийроққа ўхшайди. Аммо жиддийроқ ёндашилса, ибтидоий инсон ҳам у ёки бу рамз асосидан нарсанинг моҳиятини тўла тушуниб олган пайтда, энг аввало, унинг рангини илғаб олган. Турли рангдаги нарсалардан фойда ё зарар кўришига қараб, улар бир рангни яхшилик тимсоли сифатида қабул қилсалар, бошқа бир рангни ёвузлик рамзи сифатида қабул қилганлар. М.Бегизова рангларни қай йўсинда қабул қилиш диний фаразлардан ҳам келиб чиққан бўлиши мумкинлиги, маданиятни ўрганишда ранг катта аҳамиятга эгаллигини таъкидлайди.³⁰ Биз бу фикрни давом эттирган ҳолда ранг таъсирчанликни оширувчи муҳим восита бўлиб, тил ва ижтимоий амалиётда маъно кўлами янада кенгайган, турли омиллар билан бойитилган деб ҳисоблаймиз.

Оқ ранг – деярли барча халқлар лафзида поклик, софлик, эзулик, ёруғлик, ростгўйлик каби рамзий маъноларни билдиради. Хусусан, ўзбек миллий менталитети, маданиятида оқ ранг покизалик, мусаффолик, эзулик рамзи саналади. Фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятга эгаллигини ҳисобга олиб, уларни *этнофраземалар* деб аташга асос бор, чунки уларда маданиятнинг бирор этносига тегишли лисоний бирликлари мавжуд. *Этнофразема* асосланмаган барқарор бирикма, ибора бўлиб, халқ маънавий маданияти соҳаларига турлича этимологик жиҳатдан боғлиқ ҳодиса: урф-одат, анъана, удумлар, ривоят, белги-аломат, эътиқод, жонсиз нарса-буюм ҳақидаги фаразлар ва бошқалардир. Мисол учун, миллий маросимларимиздан бири «*Оқ ўрамоқ*» қиз билан йигитни унаштиришга розилик белгиси ҳисобланса, «*оқ киймоқ*» фразеологизмида мотам либосини киймоқ, баъзи жойларда, аксинча, таъзия муддати тугагач, қора кийимни оқ кийим билан алмаштирмоқ, мотам либосини ташламоқ мазмуни тушунилади. Биз бу фразеологизмларни миллий-маданий хусусиятга эгаллигини ҳисобга олиб, уларни *этнофраземалар* қаторига кирувчи фразеологик бирликлар деб олдик: *Рўзимуроднинг онаси аза очди. Қариндошлар оқ кийиб, овоз чиқардилар.* [УТИЛ. III.36] Оқ тусга мойил, тиник юз, бадан тусини билдириш учун ҳам оқ ранги қўлланади: *оқ бадан, оқ танли, оқ юзли*. Қўлини совуқ сувга урмайдиган, фақат ўзига оро берадиган аёлларга нисбатан «*оқ билак*» ибораси қўлланади³¹. Бу иборадаги *оқ* сўзи ранг-тус маъносидан чекланади.

Халқимиз оқ ранг билан боғлиқ иборалардан фаол фойдаланади: *оқ қўнғил; оқи оқ – қизили қизил; оқ қилмоқ; оқ ювиб, оқ тарамоқ; оқпадар; оқ-қорани таниган; кўзининг оқу қораси; манглайи оқ бўлсин; оқ сутини оққа, кўк сутини кўкка соғмоқ; косаси оқармаган; оқ-қорани танимоқ, оқ туя кўрдингми – йўқ, кўк туя кўрдингми – йўқ* ва ҳ.к.

Рус фразеологиясини ўрганиш жараёнида Н.Ахмедова “Семантика и философия цвета в тюркской мифологии” мақоласида “оқ” рангни (*идеал*) мукаммал, “орзу ранги” ҳисобланишини таъкидлайди. Бу покизалик,

³⁰Бегизова М. Подходы к изучению слов цветообозначения. Ҳозирги замон тилшунослигида когнитив лингвомаданиятшунослик ва гендер тилшунослиги йўналишларига доир масалалар. – Тошкент, 2013. – Б.203.

³¹Усмонова Ш. Лингвокультурология. – Тошкент, 2019. – Б.162.

беғуборлик, тоза эътиқод, кўнгилчанлик, соғлик рамзи ва ҳақиқат белгисидир³², дейди у. «Белая кость» фразеологик бирлиги келиб чиқиши оқсуяк бўлган (кўпинча дворян) инсонга нисбатан ишлатилади ва қуйидаги мисол фикримизни далиллайди: *Тонкое сукно спортуков, белизна воротничков и манишек, выхоленные лица, всё – свидетельствовало, что это люди белой кости.* (А.Серафимович. Опять посетители)³³ *Уст кийими нозик матоданлиги, кўйлагининг ёқаси ва қадама кўкрак қисми тоза-озодалиги, юз тузилиши, барчаси оқсуякликдан далолат берарди.* (таржима бизники.З.Ж.)

Қизил ранг – қадимдан инсоният ҳаётида муҳим ўринни эгаллаб келган. Бу ранг ўзбек тилидаги ибораларда қуйидагича: «*қора қозонидан олиб, қизил қозонига қўймоқ*», «*Қизилни кўрса, Хизр ҳам йўлдан оғади*», «*Оқи оқ, қизили – қизил*». Рус лингвомаданиятида *красный* (қизил) ва *красивый* сўзлари бир ўзакдан ҳосил бўлган ва улар ижобий маъно касб этади: *Красная площадь* – Қизил майдон, *красная девица* – чиройли қиз, *красные дни* – омадди кунлар фразеологизмлари шулар жумласидан.

Қизил ранг билан боғлиқ фраземаларнинг ҳам маъно ва қўлланиш доираси кенгайиши, ҳатто бутунлай салбий маъно ва муносабатни англатишини машҳур адибимиз Абдулла Қаҳҳорнинг «Тўйда аза» номли сатирик ҳикояси тили мисолида яққол кузатишимиз мумкин. Чунончи, баъзи чет элликларга тақлид қилиб, бошдан-оёқ кип-қизил кийиниб олган енгилтак бир танноз хонимни кўрган маҳалладаги аёллар унга нисбатан нафратини ифодалаб: «*Хўрозқандга ўхшамай ўл!*» деган халқона бир ўхшатишни қўллашади. Бундай ўзбекона сўз-ибора ва ўхшатишлар асар тилининг ифодалилиги ва таъсирчанлигини ошириб, фикрни содда ва ихчам шаклда баён этишидан ташқари, улар ёзувчининг муайян позициясини-қахрамонларига бўлган муносабатини яққол кўрсатиб туриши билан ҳам характерлидир.³⁴

Узоқ Шарқ мамлакатларида қизил ранг келин ва куёв атрофидаги барча буюмларда ўз аксини топади. Корея ва Мўғилистонда янги йил кийимларига тумор сифатида қизил доирачалар тикиб қўйилади, Хитойда бу ранг фаровонлик, тўқин-сочинлик ва бахтли ҳаёт тимсоли. Умуман олганда, қизил ранг турли маданиятларда томирда оқадиган ҳаёт, тириклик рамзидир.

Ижтимоий мулоқот тизимида инсонлар мазкур жамият, гуруҳ ва ижтимоий муҳитда қабул қилинган рамзлардан кенг фойдаланадилар. Инсонни хайвондан фарқловчи жиҳатлардан бири – рамзлаштиришга бўлган эҳтиёжидир. Рамз – ташқи дунёнинг турли маданият вакиллари ички дунёси, онги, тафаккури ва руҳидаги акси. Рамз белги бўлиб, унинг дастлабки маъносидан бошқа маъно учун шакл сифатида фойдаланилади. Дунё рамзлардан иборат, рамзлар инсониятнинг илк, ҳақиқий ижодидир.

³²Ахмедова Н. Семантика и философия цвета в тюркской мифологии. Ҳозирги замон тилшунослигида когнитив лингвомаданиятшунослик ва гендер тилшунослиги йўналишларига доир масалалар. –Тошкент, 2003. –Б.15.

³³ Жуков В.П. Школьный фразеологический словарь русского языка. –Москва: Просвещение, 1980. –С.7.

³⁴ Қосимов У. Адабятнинг ҳаётбахш кучи. –Тошкент, 2008. –Б.115

Фразеологизмларни лингвокультурологик ўрганиш жараёнида миллатнинг нафақат тарихий ривожланиши, балки кадрятлари, турмуш тарзи, урф-одати ва фикран ёндошувини тадқиқ қилишимиз, рангларнинг рамзий маъноларини қабул қилиш даражасини ўрганиш билан бирга, улардаги айнан ментал тушунчани англаб олиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Бобнинг «*Ранг компонентли салбий маъноли фразеологик бирликларнинг лингвопрагматикаси*» номли иккинчи фаслида рангларни символлаштириш, у ёки бу нарса-ҳодисаларни рамзлаштириш турли миллат вакилида ҳар хил бўлгани учун, ранг компонентли фразеологизмларнинг ўзига хос қизиқиш билан ўрганилиши – долзарб масала эканлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Маданий фарқлар хилма-хиллиги тилда ўз аксини топади ва бу бошқа халқ тилшуносларини ҳам ўзига жалб қилади.

Ранглар инсонларнинг нафақат ижобий фикр ва муносабатларини, балки ҳаётдаги барча ҳодисаларнинг салбий жиҳатларини ҳам очиб берувчи омилдир. Нутқимизда шундай фразеологизмлар борки, улар инсон ички кечималарини рангларга кўчириб, барча характер хусусиятларини очиб беришга хизмат қилади.

Қора ранг оловдан олиниб, ахлоқлик ва кўролмаслик, ғам-алам, ўлимни билдириб, ёруғликка қарама-қарши рамз ҳисобланади. Тун ҳам қайғу рамзидир. «*Қора*» лексемаси иштирокида, асосан, салбий маъноли фраземалар шаклланган, чунки бу ранг-тус ёмонлик тимсоли ҳисобланади. Шунинг учун бу лексема ёрдамида шахснинг салбий характерини ифодаловчи фраземалар шаклланган: *ичи қора, ичи қоралик, кўнгли қора, кўнгли қоралик, юраги қора, қора юрак, қораси ўчди, қора кун, қора юз, қора қиш, қора куч, қора чизик тортмоқ, қора рўзгор* кабилар. *Қора* лексемаси фраземалар таркибида предметнинг рангини кўрсатмайди, балки кўчма маънода ишлатилиб, шахс характеридаги мунофиқлик, ғаламислик, ғийбатчилик, бераҳмлик каби салбий хислатларни эмоционал-экспрессив ва образли ифодалашда қўлланади. Масалан, *ичи қора* лексемаси *ич* сўзи билан бирикиб, салбий семада қўлланади³⁵. Қуйидаги мисоллар фикримиз исботи бўла олади: «*қора кун*» – азоб, укубатли, фожиали давр маъноли фразема таркибида *қора* лексемаси *қайғу, қоронғулик* семасида қатнашмоқда; «*қора саҳифа*» – қайғу, фожиали воқеаларни ифодаловчи саҳифалар маъносидаги *қора* фразема таркибида қайғу, мусибат, фожа семаси иштирок этади; «*қора либос*» – қайғули кунларда кийиладиган либос маъноли бирикмада *қора* лексемаси *мотам* семасида қўлланилган: *Юсуфбек ҳожи хатми қуръон қилиб, юртга ош берди. Ўзбек ойим қора кийиб, аза очди.* [ЎТИЛ.V.Т.135].

Киши характеридаги одоб-ахлоқ нормаларига мос келмайдиган мунофиқлик, очкўзлик, бадният ва бераҳмлик сингари сифатлар ҳам *қора* лексемаси билан қўлланилиши «*қора ният*», «*қора кучлар*», «*қора хабар*» каби фразеологик бирликларида кузатилади: *Эй менинг суюкли Камолим!..Сенинг тарафингдан келган қора хабарлар, ишқ-муҳаббат балоси мени жонимдан тўйғизди.* [ЎТИЛ.V.136]. Парчадаги «*қора хабар*»

³⁵Маслова В.А. Лингвокультурология. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. –Москва: Ид.Центр «Академия», 2001. –С.105.

фразеологизмидаги *қора* лексемаси галамислик ва ғийбатчилик каби салбий маъноларни англатиб келган.

Қора лексемаси маъно ифодаси жиҳатидан бошқа ранг билдирувчи сифатлардан юқорироқ туради ва тилимизда яна қуйидаги окказионал семаларни ифодалашга ҳам хизмат қилади:

- қайғу семасини: *Рўзгорингни қора қилмай...* (Э.Воҳидов)
- кун семасини: *Ўтди даҳшатли кун, Қора саҳифа.* (Э.Воҳидов)
- кўринмай кетмоқ семасини: *Поезднинг қораси ўчгунча мўлтираб қараб турдим, кейин йиғлаб-йиғлаб изимга қайтдим.* (С.Сиёев)
- кўриниш бермоқ семасини: *Полвон болам-ку, қорасини кўрсатмай, сувга тушгандек гоийб бўлди.* (С.Ахмад)
- кўрмоқ, қорасини илғамоқ семасини: *Куннинг ўзи пешин вақти бўлганда, пойгачилар қорасини олади.* (Алпомиш)
- айб, айбдорлик, гуноҳкорлик семасини³⁶: *Кучогини «ўзлиги»га очди деб, Оқ исмига қора занжир илдингиз?* (Чўлпон)

Фразеологик иборалар реал ёки тарихий воқелик билан боғлиқ равишда, айниқса, етук бадий асарлар матнида янги ва хилма-хил маъно ва оҳанг касб этишини кўришимиз мумкин. Мисолларга мурожаат қилайлик, *Шу қишлоқда қора уйчада, Ўтиради бешта қизалоқ...* (Ойбек. «Қизлар» поэмаси). Ушбу мисолдаги *қора уйча* ибораси орқали Ойбек юртимизда Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йилларда қишлоқ ҳаёти қанчалик оғир бўлганини ишонарли тарзда акс эттира олган. Ёки истеъдодли ёзувчи Тоғай Мурод асаридан олинган қуйидаги тасвирда энди тонг оқара бошлаётган маҳали қир-адирлар ва тошларнинг ҳали хиралашиб кўринишини *қора беради* сўзларининг бирикмаси холда қўлланиши натижасида бадий ифодалангани эътиборлидир: *«Зулматдан қутулиш учун сойга қараб энаман. Шунда пойимда ўрқач-ўрқач қирлар, улкан-улкан тошлар қора беради.»* (Тоғай Мурод. Юрт қўшиғи.)³⁷

Ранглар у ёки бу халқнинг ижтимоий-маданий ҳаёти, урф-одати, маросими, қадимий ақида ва қарашлари билан чамбарчас боғлиқ. Халқларнинг мифологик ва диний қарашлари ҳам рангларда турлича акс этади. Жумладан, дунёнинг кутби тўрт хил рангда тасаввур қилинган: шарқ – яшил, жануб – қизил, шимол – қора, ғарб – оқ рангда ва шу аснода, минтақаларнинг ҳар бирида яшовчилар учун ўша ранг муқаддас саналган.

Диссертациининг «*Сон рамзли фразеологик бирикларнинг лингвопрагматик тадқиқи*» деб номланган учинчи боби «*Рақам компонентли фразеологик бирикларнинг лингвокультурологияси*» фаслида замонавий тилшуносликда рақам нафақат грамматик категория сифатида, балки олам тасвирининг лисоний лингвокультурологик ва этнолингвистик компоненти сифатида қаралиши тадқиқ этилган. Рақам символикасининг ўрганилиши оламни қамраб олган образли ва интеллектуал тил хусусиятларини белгилашда ёрдам беради. Сонлар инсон тафаккурининг муҳим тушунча системасини ташкил этувчи омили ва маданиятнинг

маънавий ўзгармас жабҳаси деб ҳисобланади.³⁸ Рақамларнинг компонент сифатида келиши барча тилларда бўлганидек, ўзбек тилида ҳам фаолдир. Масалан, «*бир*» сони қўлланилиши фаоллик борасида юқори кўрсаткични бериб, диссертацияда унинг қуйидаги маъновий хусусиятлари таҳлил қилинган. Биз уларнинг ичидан *яғоналик, мос келишлик, бутунлик, яхлитлик, кам миқдорлик, яқин масофа, бир хиллик, алоҳидалик, қиймати йўқ* мазмунидагиларини алоҳида ажратиб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топдик:

1. Якка, бошқалардан ажралган, алоҳида. Бу маъно негатив коннотацияси синонимик жуфтликнинг ички шаклида мужассамлашади: «*Бир қўлтиққа икки тарвуз сизмас*», «*бир бошини иккита қилмоқ*». Иккинчи мисолдаги «*бир*» лексемаси бошқа рақамдаги маданий код билан алмаштирилган, «*икки*» эса маънони кучайтириб, «ёлғиз бўлиш мумкин эмас», «ёлғиз ҳеч нарсани эплай олмаслик» маъноларини ҳам англатади.

2. Бир хил, ўхшаш. Бунга, аввало, салбий киноя маъносидаги фразеологик бирикмалар мисол бўлади. Ушбу фразеологик бирикмаларнинг барчаси салбий маънодаги хусусиятга эга инсонларга нисбатан ишлатилади. Бир-бирига ўхшаш одамлар ҳақида гап кетганда, «*зуваласи бир жойдан олинган*» ибораси қўлланилади: *Сизга гаптириб, овоздан ажраш ҳеч нарса эмас. Ботиров билан сизнинг зувалангиз бир жойдан олинганга ўхшайди.* [ЎТИЛ. II.54]. «*Бир тан, бир жон бўлмоқ*», «*бир тан бўлмоқ*» иборалари ижобий маънода қўлланилса, «*бари бир гўр*», «*ҳаммаси бир гўр*» иборалари фақат салбий семантикага эга иборалардир. «*Тууроги бир жойдан олинган*» ибораси диний фароздан келиб чиқиб, «Оллоҳ ҳаммани лойдан яратган» фикрининг далили сифатида ишлатилади.

3. Оммавий, умумий яқдиллик. Бу тоифага экспрессив характерга эга фраземалар мисол бўла олади. Салбий маънога хос бўлган «*текисламоқ, тенглаштирмоқ*» феъли бош денотатив маънода келади: «*барчани бирдай кўрмоқ*» ибораси эса ижобий коннотацияга асосланади, чунки мусулмончиликда *барчани тенг кўриш* тушунчаси ҳадисларда ҳам илгари сурилган.

4. Бир қарра интенсив. Бу маънода келувчи фразеологик бирикмалар барча тиллар лингвокультурологиясида ўхшаш мазмун ва тимсолларда мужассамлашган. Фақат ўзбек лингвокультурологиясига хос «*бир жағга бир ботмон*» фразеологик бирикмаси бошқа миллатларга хос бўлмаган тушунчани ифодалайди: «Ўтмишда ҳар бир оила бутун кишилик рўзгоротини кузда ғамлаб оларди. Шунда ҳар бир жағга, оиладаги ҳар бир жонга (янги туғилган чақалоқ ҳам шу ҳисобга киритиларди) бир ботмондан (ботмон 898,5 гр.га тенг оғирлик ўлчови) [ЎТИЛ. III.329] буғдой, унинг ярмисича гуруч, гуручнинг ярмисича миқдорда мош, мошнинг ярмисича ёғ ва ҳ.к. ғамлаб қўйиларди. Шу ҳисобдан ғамланган озуқалар бутун кишига етарди.

5. Бирон нарсанинг бутунлай мавжуд эмаслиги, йўқлиги. Умуман ҳеч нарса маъносидаги «*мириси ҳам йўқ*» (*мири* – *амирга хос, беш тийинли*

³⁶<https://hozir.org/buxoro-davlat-universiteti-v10.html?page=4>

³⁷ Қосимов У. Адабиётнинг ҳаётбахш кучи. – Тошкент, 2008. – Б.115

³⁸ Ғафғох Моҳаммад Абу эль-Ила. Лингвокультурологический анализ фразеологизмов с числовым компонентом в русском и арабском языках // Политическая лингвистика, 2018. №1(67). – С.168.

чақа), «бир чақалик» (чақа – асосан, мис, жез сингари металлдан ясалган, қиймати паст, майда танга пул [ЎТИЛ.IV.465]) «бир тийини йўқ» (тийин бир сўмнинг юздан бирига тенг пул ҳамда шундай қийматга эга бўлган майда чақа) фразеологик бирикмаларида этнокультурологик реалиялар «мири», «чақа», «тийин» миллий пул бирликлари учрайди: *Миришоди ака бир тийинга арзимас ўша дўкончини тополмагач, шумшайиб қишлоғига қайтди...* [ЎТИЛ.I.85]

Реалиялар қайси маданият ва тилда пайдо бўлган бўлса, ўша халқнинг кадр-қиммати ҳисобланади. *Реалия* – ўрганилаётган тилдаги предмет ва ҳодисалар тарихи, маданияти, иқтисодиёти ва турмуш тарзини англаувчи сўзлардир, улар қиёсланаётган тилдаги сўзлардан бутунлай ёки қисман фарқ қиладиган тушунча.³⁹

Диссертацияда «бир» сони компонент сифатида келиши таҳлил қилинганда, унинг 70 дан ортик кўрсаткичлари борлиги маълум бўлди. Уларнинг аксариятида *лингвокультуремалар* таянч компонент сифатида миллий-маданий кодни белгилаб берувчи омилдир. *Лингвокультура* – тил бирлигига нисбатан мураккаб ҳодисадир. У ўзида тилнинг ифодасини, тасаввурни билан бирга тилдан ташқаридаги муҳитнинг (вазият, реалия) мавжудлигини ҳам ифода этади. Масалан, «*бир анор минг беморга даводир*» фразеологизмда миллий кодни «*анор*» лингвокультуремаси юзага чиқариб бермоқда, чунки бу мева Шарқ миллий маданиятининг рамзий белгиси сифатида *дармон, қувват, мадор, куч* тимсолидир. Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари»га кўра, нордон анор шароби минг бир касалликка даводир⁴⁰. Момоларимиз тиккан палак ва сўзаналарда, миллий матоларимиздан атлас ва адрасда, чимилдиқ ва унинг беағи учун ишлатилган тасмаларда *анор* акси туширилгани ҳам муайян маъно ифодалаган.

«*Первый блин комом*» рус фразеологик бирикмаси бирор ишнинг боши ўхшамаган тақдирда ишлатилади (биринчи пиширилган қуймоқ ўхшовсиз чиқади) – «*ўргамчик иш нуқсонсиз бўлмас*» бирикмасига тенг бўлиб, ўзбек тилида айнан бу тушунча мавжуд эмас, чунки *блин* рус миллий таоми ҳисобланади. «Блин» – сковородка (това)да суюқ хамирдан тайёрланадиган юпка таом, тез ва кўп ҳажмда пиширилади.⁴¹ Ушбу фразеологик бирикнинг миллий-маданий кодини белгилаб берувчи омили «*блин*» лингвокультуремаси ҳисобланади.

Тўрт сони иштирок этган бириқувлар комил инсоннинг ички дунёсини ифодаловчи воситалардан саналади. Яратганининг даргоҳидан умидвор бўлиш, нажот сўраш, ушалмаган орзулардан умид қилиш аждодларимиз ниятларидир. *Тўрт кунлик дунё* ифодалаган мазмунга эътибор берсак, бир қарашда дунё тўрт кун бўлмайди. Дунё тушунчаси қанчалар камровли ва кенгдир. Лекин ҳаёт лаззати, яшаш иштиёқи шу даражада зўр, шу даражада

³⁹Алимжанова Г.М. Сопоставительная фразеология. –Алма-Ата: Мир языка, 1999. –С.175.

⁴⁰Шомақсудов Ш. Шораҳмедов Ш. Маънолар маъзани. –Тошкент, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2001. –Б.36.

⁴¹Ожегов С.И. Словарь русского языка Государственное издательство иностранных и национальных словарей. –Москва, 1960. –С.49.

тотлики, у сиқик – ўта қисқа муддатни тақозо қилгандай тушунилади. Натижада, мана шу «қисқа» даврда (тўрт кунда) қандай эзгу ниятларни амалга ошириш, нималарга улгуриш-у, нималарга улгурмаслик фалсафаси ҳукм суради.

«*Тўртта сўхбатингизни олайлик*», «*Тўртта сўхбатлашайлик*» каби ибораларда ҳам *тўрт* сони аниқ миқдорни ифодалаётгани йўқ, балки вақтга – пайтга муносабатни англамоқда. Лекин «*тўртта сўхбат*» ҳар қандай учраган одамга қилинадиган мурожаат эмас, балки сўхбатдошларнинг бир-бирига жуда яқинлигини ва кадрли эканлигини билдирувчи, ҳурматини жойига қўювчи символик белгидир: мамнунлик, қониқш, айни пайтда, қутилмаган хурсандчилик каби мазмунлар англашилмоқда.

Одатда, қибла – жануби-ғарб томон мусулмонлар ҳаётида муқаддас тараф ҳисобланади. Кўпгина ижобий тимсоллар қиблага – Каъбага нисбатан берилади: «*Тўрт тараф (томон)инг қибла*» фразеологик бирлигида фақат ижобий сифатлар қиёсланмоқда. Аммо ҳаёт ҳақиқати ҳамма вақт ҳам объектив борлиқ билан мос келвермайди. Ҳаётини зиддиятлар, одамларнинг комилликдан йироқлиги, маърифат билан жаҳолатнинг яхшилик билан бирга келиши, баъзан жаҳолат, ёмонлик, пасткашликнинг эзгулик устидан устун келиш ҳоллари учраб қолади.⁴² Демак, тўрт тараф (томон)га шундай келтавериш эмас, балки норизолик устун бўлганда охириги чора қўллангандаги ҳолатдир. Умуман, рақамларнинг семантик компонентлари асосида яратилган иборалар ҳаётнинг ҳамма жабҳаларига тааллуқли ва улар ҳаётимиз каби қадимийлигини кўрсатади.

Бобнинг иккинчи фасли «*Рақам компонентли фразеологик бирикларнинг лингвопрагматикаси*» деб номланди.

Фразеологизм семантикасидаги прагматик ахборот нутқ жараёнида ёки матнда муайян коммуникатив вазиятда реаллашиб, лингвистик ва экстралингвистик, тарихий-маданий, ижтимоий-маданий, этимологик ахборотларни ифодалаб, мулоқот иштирокчиларининг прагматик ва муносабатларини ифодаловчи лисоний воситалардир. Улар оламни лисоний идрок қилишдаги миллий, маданий, этнографик, ижтимоий мавқе, этнографик хусусиятларни ифодаловчи лисоний бирикларда ўз аксини топади ва фразеологик бирик семантикасидаги миллий-маданий, *коннотатив компонентлар* дея юритилиб, тил концептосферасига кирувчи тушунчалар сифатида ўрганилади.⁴³

Прагматик ахборотни англашда фразеологизмларнинг нутқ жараёнидаги функцияларини таҳлил қила билиш ҳам муҳимдир. Улар матнда қуйидаги прагматик функцияларни бажаради:

1) фразеологик бирик субъектнинг объектга нисбатан баҳоловчи, эмотив муносабати, нутқий ҳаракатини ифодалайди;

2) фразеологик бирик субъектнинг волюнтатив, яъни адресатнинг бирор иш-ҳаракатга ундашини, коммуникатив прагматик мақсадини ифодалайди;

⁴²Алмаматов Т. Ялгаров Қ. Тўрт сонининг семантик хусусиятлари. Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. –Тошкент, 2009. –Б. 117-118.

⁴³Кўчибов А. Мати прагматикаси. Ўқув-услубий қўлланма. –Самарқанд, 2015. –Б. 62.

3) фразеологик бирлик орқали ифодаланадиган прагматик маъно апеллатив функцияни бажариб, адресатнинг нуткий харақатини бажаришга даъватини ифодалайди;

4) фразеологик маънонинг муносабат ўрганувчи функцияси, яъни муайян нутқ вазиятларида адресатнинг (тингловчи-китобхонни) диққат эътиборини тортиш, прагматик таъсир қилиш, бу орқали суҳбатдошни жавоб реакциясига рағбат уйғотиш вазифасини бажаради;

5) фразеологик ахборот мулоқот жараёнида экспрессив-эстетик таъсир қилиш функциясини ҳам бажаради⁴⁴.

Т.Б.Пасечник фразеологизмларни лингвокультурологик таҳлил этар экан, бошланғич этимологик ва актуал метофоризация пайғида маъно орасида фразеологизмнинг ички шакли юзага келишини, у ҳолат, харақат, нарса-буом ҳақидаги бирламчи образли тушунчани беришини айтади. Олим фразеологик бирликларнинг ички шакли «тирик» ёки «ўлик» бўлиши мумкинлигини, яъни ҳозирги даврда бир сабаб билан ҳосил бўлган фразеологизм «тирик», қачонлардир тирик ҳисобланиб, этимологияси ноаниқ фразеологизмга хос диахрон бирликлар эса «ўлик» ҳисобланишини таъкидлайди.

Компоненти сон бўлган ички шакли «тирик» фразеологик бирикмаларга «*бир ўқ билан икки қуённи ўлдирмоқ*», «*икки ўт орасида*» ва шу каби фразеологизмларни мисол қилиш мумкин.⁴⁵ Ишимизда ўзбек тилидаги фразеологик бирикмалар ичида ҳам бундай «ўлик» бирликлар мавжудлигини қуйидаги мисоллар орқали кўриб чиқилди: «*Азроилнинг бир турқи бўрида*», «*Аямасуз олти кун, қаҳр айласа, қаттиқ кун*», «*Бир булдириқ уч қорага татийди*», «*Бўйдоққа эллик қари бўз ҳам етмайди*», «*Олтимиш кун атон бўлгунча, олти кун буғра бўл*»; *Аямасуз, булдириқ, қари, атон* тушунчалари диахрон бўлиб, фақат ўзбек миллатига тегишли ва этимологияси ўрганилганда, ўзида ментал кўринишни ифодалайди: *атон* – ахта туя, *буғра* – туянинг айғири, беш ёшдан ошган, кучли, бақувват, икки ўркачли эркак туя. Мазкур ибора билан халқимиз: «*кўлидан бир иш келмай, ожиз, заиф одам бўлиб узоқ яшаганидан кўра, кучли, сергайрат, серҳаракат, шиддатли, жўшқин, жасур одам бўлиб қисқароқ умр кўрганинг афзалроқ*», демокчи.⁴⁶

Ўзбек тилида шахсни ёки гуруҳни англатиши мумкин бўлган рақам компонентли фразеологизмлар таркибида «*ҳеч нарсани билмаслик*» мазмунидаги иборалар учрамайди. Рус тилида бу мазмунни берувчи *абсолютный ноль* фразеологизми таркибида сон қатнашган. Шахсни ёки гуруҳни англатиши мумкин бўлган фразеологизмлар қаторига рус тилида *один как перст* – ёлғиз, якка; *одна шайка* – бир тўдадан, *два Аякса* – ажралмас дўстлар иборалари ишлатилади. Ўзбек тилидаги *икки шунқор урушса, бир қарғага ем бўлар, бир тулки етти бўрини етаклайди* фразеологизмлари бу гуруҳга мисол бўла олади: –*Эҳтиёт бўлинг, раисимиз*

⁴⁴Вольф Е.М. Функциональная семантика оценки. – Москва. Наука, 1985. С. –228.

⁴⁵Пасечник Т.Б. Лингвокультурологический анализ фразеологических единиц с числовым компонентом в русском языке в сопоставлении с английским. Автореферат. – Москва, 2009. –С 7.

⁴⁶Шомакусов.Ш.Шорахмедов.Ш. Маънолар маъзани. –Тошкент. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2001. –Б.255.

сиз айтганчалик анойиларданмас, тулкимисан, тулки, керак бўлса, етти бўрини етаклайдиган туридан. [ЎТИЛ.1.86]

Фразеологик бирликдаги прагматик ахборотни хато тушунишга мажбур қилувчи омиллардан бири – ифодаланган маъноларнинг бир хиллиги, аммо бу маъно бошқа тилларда ўзгача лексик бирликлар орқали ифодаланишидадир. Бизнинг муҳим бир вазифамиз: ўзбек тилидаги фразеологик бирликларда учрайдиган бошқа миллат вақилига ёт тушунчани илғаб олишга ёрдам беришдан, миллий ибораларимиз яралиши тарихи, диахрон келиб чиқиши, ўзга миллат эътиқодига мансуб инсонлар фаразида фразеологик бирликларимиз жозибадорлигини англаб олишга кўмаклашишдан иборат бўлиши лозим.

ХУЛОСА

1. Тилда этномаданий тушунча ифодаловчи лексик бирликлар, хусусан, фразеологизмлар этноснинг дунёқараши, менталитети, руҳияти, анъанавий турмуш тарзи, умуман, миллий кадриятларини ўзида намоён қилади. Шу маънода фразеологик бирликларнинг тил тараққиёти ва миллий тил шаклланишидаги аҳамиятини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

2. Миллий фразеологизмлар маълум бир миллатнинг маданияти, урф-одатлари, ўзига хос удумлари каби хислатларни ёритувчи ва халқлар ҳаётини, дунёқараш ва турмуш тарзини, этик ва эстетик нормаларини ифодалайди. Миллий фразеологизмлар халқнинг ижтимоий-сиёсий ва маиший ҳаётини, характер-хислатларини, халқнинг топонимика, флора, фаунасини, миллатга хос урф-одат ҳамда маросимларини ифода этади.

3. Этнолингвистика этноснинг анъанавий турмуш тарзи, миллий анъаналари, урф-одатларини батафсил ўрганишида этнофраземалар кийим компонентли, озик-овқат компонентли, зооним компонентли этнофраземалар асносида этноснинг миллий анъаналари, урф-одатларини ифода этишга хизмат қилади.

4. Ўзбек тили этнофраземаларини лексик-семантик, функционал, систем-структур, тематик планда замонавий дунё тилшунослиги тажрибаларига асосланган ҳолда изоҳлаш тилшунослик олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Халқимизнинг этномаданий ҳаётини ўзида намоён этувчи моддий ва маънавий-маданий этнофраземалар луғавий бойлигимизнинг аксарият қисмини ташкил этади.

5. Халқимиз тарихий шаклланиш тараққиёти жараёнида турли этнослар билан ижтимоий, сиёсий, маданий алоқалари натижасида тилимизга бошқа халқлар этномаданиятига оид урф-одат, анъана, маросимларини ифодаловчи этнофраземалар кириб келиб, ўзи ифодалаган воқелик билан халқимизнинг моддий ва маънавий мулкига айланган, янги этнофраземаларнинг шаклланишига асос бўлган.

6. Ўзлашма этнофраземаларни диахрон ва синхрон аспектда таҳлил қилиш халқимиз ва этник гуруҳларнинг этногенезисини, уларнинг қардош бўлмаган халқлар билан ижтимоий муносабатларини чуқурроқ ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

7. Ранг компонентли ижобий ва салбий этнофраземалар махсус урф-одатларни англатувчи, махсус прототипларга эга универсал концептларни англатувчи, махсус абстракт концептларни англатувчи этнофраземаларга ажралади. Миллий фразеологизмлар таркибидаги компонентлар орасида у ёки бу миллатга хос бўлган белгиларнинг миллий урф-одатлари, халқ оғзаки ижодида, тарихий афоризмларда, кийим, асбоб-ускуналар, жой номлари орқали кўпроқ намоён бўлади. Этнофраземалар яратилиш тарихи, шаклланиш жараёни, этимологияси орқали ҳам миллий-маданий хусусиятлар ифодаланади.

8. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, халқимизнинг маиший-турмуши, ижтимоий муносабатлар – қариндош-уруғчилик, кўни-кўшничилик; миллий кийим, тақинчоқлар, миллий таомлар, ўйинлар ва бошқа кўплаб соҳаларга алоқадор этнофраземаларни этнолингвистик аспектда ўрганиш зарурати мавжуд.

9. Этнографик лексика таҳлили мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида функционал-семантик жиҳатдан тилимизнинг тарихий босқичларига мансуб лексемалар тил эгалари нутқида сақланиб келаётганини кўрсатади. Ушбу лексик қатламга оид луғавий бирликлар маҳаллий аҳолининг лексиконида асосий ўрин эгаллайди. Мана шу этнодиалектал маданий тушунчаларни тўплаш, тизимлаштириш ва илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

10. Этнографизмларнинг структураси тилимизнинг асл лексик, грамматик хусусиятларини ўзида намоён қилади. Бир ёки кўп таркибли этнографик лексемалар тузилиши тилшунослигимизнинг бошқа соҳалари, хусусан, имло, лексикология, сўз ясалиши, морфемикада ечимини топиши зарур бўлган жиҳатлар борлигини кўрсатади. Этнографик мавзуй изохли луғат мана шу муаммоларни қайта кўриб чиқиш имконини беради.

11. Тадқиқотда аниқланган баъзи кўчма маънолар, жумладан, ўзбек тилининг миллий-маданий тил бойлиги ҳисобланган фразеологик бирликлар ўзбек тили изохли луғатининг кейинги нашрлари таркибига киритилиши зарур. Зеро, изохли луғатларга кўп мурожаат қилиниши луғатчиликка масъулият билан ёндашувни тақозо этади.

12. Этнофраземаларнинг асосини муайян маданиятнинг кодлари ташкил этади. Бу кодларни тушуниш, уларнинг маъно-мазмунини асл ҳолда авлодларга етказиш учун рамзий тушунчаларнинг шаклланиши, тараққий топиши, рамзлар даражасининг эъозланиши, улар орқали инсоннинг куч-қудрати, олийжаноб ва саҳийлик каби фазилатларини тилда тасвирлаш имконини беради.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/04.06.2020.Fil.113.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ДЖИЗАКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ

ДЖИЗАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ

ЖУМАЕВА ЗУБАЙДА ШАВКАТОВНА

СЕМАНТИЧЕСКОЕ И ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКОЕ
ИССЛЕДОВАНИЕ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНСТВ

10.00.01 – Узбекский язык

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Тема диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией Республики Узбекистан при Кабинете Министров за номером В2021.2.PhD/Fil355.

Диссертация выполнена в Джизакском государственном педагогическом институте. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, инглиз (резюме) размещён на веб-странице Научного совета (jspi/uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Маматов Абдугафур Эшонкулович
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: Пардаев Азамат Бахронович
доктор филологических наук, доцент

Усмонова Шоира Рустамовна
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация: Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета PhD.03/04.06.2020.Fil.113.02 по присуждению ученых степеней при Джизакском государственном педагогическом институте «5» «11» 2021 года в 10⁰⁰ часов (Адрес: 130100, г Джизак, проспект Ш Рашидова 4. Тел. (872) 226-13-57, факс: (872) 226-46-56; e-mail: jspi_info@mail.uz Джизакский государственный педагогический институт, Главный учебный корпус 2-этаж, лекционный зал

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Джизакского государственного педагогического института (Зарегистрирован за номером 24). Адрес: г. Джизак, проспект Ш Рашидова 4. Тел: (872) 226-13-57; 226-21-73, факс: (872) 226-46-56.

Автореферат диссертации разослан « 19 » 10 2021 года.
(Протокол реестра № 8 2021 года « 18 » 10)



У.А.Жуманазаров
Зам. председателя Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф.н, профессор.

Ф.Э.Ибрагимова
Масъуф секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
к.ф.н, доцент

У.Касимов
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.ф.н, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой лингвистике выделяется внимание раскрытию своеобразных особенностей лингвокультурологии, изучающей отношения языка и культуры. Проводятся в мировых кругах определённых исследования по языковому изображению мира, лингвокультурологии, когнитивной о гендерной лингвистике. Серьёзные отношения каждого народа к сохранению культурных особенностей в период глобализации приводит к повышению интересов к данной теме, отражение языка в культуре и, наоборот, научное освещение культурных приметов к системе языка определяет актуальность темы диссертации.

В мировом языкознании выделяется особое внимание на лингвистические исследования, направленные на сохранение, распространение и обеспечение вечности национального языка и традиций, связанных с ценностями, обычаями и жизненным укладом каждого народа. Такие исследования доказывают, что этногенезис, материальная и духовная культура каждого народа находят свое научно-теоретическое доказательство в языковой связи.

В узбекском языкознании также проводятся успешные исследования по лингвокультурологии, посвященной связи языка с национальной культурой. Но при этом не проводились достаточных лингвокультурологических исследований по фразеологическим единствам, отражающих материальную и духовную культуру, национальное сознание, исторический опыт, мировоззрение, мышление национальный менталитет этноса. Поскольку, «История узбекского языка как одного из представителей большого семейства тюркских языков тесно связана с многовековым прошлым, с мечтой и стремлениями, с горестью и желаниями, с успехами и победами своего народа. Наши предки, деды и прадеды посредством именно своего родного языка говорили всему миру свое слово. На этом же языке создали великие культурные образцы, культурные жемчужины, сделали великие научные открытия»⁴⁷. Первостепенной задачей современного языкознания является необходимость проведения научных исследований по фразеологическим единствам, этого бесценного наследия, являющихся редким сокровищем на основе лингвокультурологических, современных подходов.

Настоящее диссертационное исследование в известной степени служит для выполнения выдвинутых задач в Указах Президента Республики Узбекистан ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по пяти основным направлениям по развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», ПФ-4958 от 16 февраля 2017 года «О дальнейшем совершенствовании послевузовского образования», ПФ-5850 от 21 октября

⁴⁷Узбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2019 йил, 22 октябрь.

2019 года «О мерах по коренному повышению престижа и позиций узбекского языка как государственного языка», ПФ -6084 от 20 октября 2020 года «О мерах по дальнейшему развитию и совершенствованию узбекского языка в Узбекистане», в Постановлении ПК-4479 от 4 октября 2019 года «О широком ознаменовании тридцатилетия принятия Закона Республики Узбекистан «О государственном языке»».

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-нравственном развитии информатизированных обществ и демократического государства и пути их реализации».

Степень изученности проблемы. В мировом языкознании изучение фразеологических единств с точки зрения лингвокультурологии началось с 90- годов XX века. Самые ранние исследования⁴⁸ были связаны с работами представителей Московской фразеологической школы под руководством В.Н.Телия, Ю.С.Степанова, А.Д.Арутюновой, В.В.Воробьева, Н.Ф.Алефиренко, В.М.Шаклеина, В.А.Масловой.

В узбекском языкознании по научно-практическому исследованию фразеологизмов защищено ряд докторских⁴⁹, кандидатских диссертаций, также диссертаций доктора философии по филологическим направлениям (PhD)⁵⁰ и опубликованы научные статьи⁵¹, монографии и учебные пособия⁵².

⁴⁸Телия В.Н. Русская фразеология: семантические, прагматические и лингвокультурологические аспекты. – Москва, Школа «Языки русской культуры», 1996. –С.286. Алифиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. Учебное пособие. – Москва, Наука 2010. –С.21; Маслова В.А. Лингвокультурология. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – Москва, Изд. Центр «Академия», 2001. –С.208. Шаклеин В.М. Лингвокультурология. Традиция и инновации. Монография. – Москва, Флинта, 2012. –С.301. Воробьев В.В. Лингвокультурология: теория и методы. Монография, М. Изд. РУДН, 2008. –С.240.

⁴⁹Рахматуллаев Ш. Узбек фразеологиясининг баъзи масалалари: Филол.фан. д-ри дис. ...авторсиф. –Тошкент, 1966. –Б.46; Йулдошев. Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол.фан.д-ри дис. ...авторсиф. –Тошкент, 1993. –Б.47; Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол.фан.д-ри дис. ...авторсиф. –Тошкент, 2000. –Б.56.

⁵⁰Ўзбекилова М. Ўзбек тилида идиомалар: Филол.фан.ном.дис. ...авторсиф. –Тошкент, 1966. –Б.20; Исасев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка: Авторсиф. дис. ...канд.филол.наук. –Тошкент, 1976. –Б.21; Хакимов Қ.Ўзбек тилидаги содда гап қоллиги фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанлиги: Филол.фан.ном.дис. ...авторсиф. –Тошкент, 1994. –Б.27; Усмонова Ш.Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар: Филол.фан.ном.дис. ...авторсиф. –Тошкент, 1998. –Б.24; Алмаматова Ш. Ўзбек тили фразеологизмларининг компонент тахлили: Филол.фан.ном.дис. ...авторсиф. –Тошкент, 2008. –Б.23; Вафосаев М. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик тахлили: Филол.фан.ном.дис. –Тошкент, 2009. –Б.127; Рашидова У. Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг семантик-прагматик тахлили (қўз, қўл ва юрак компонентли иборалар мисолида): Филол.фан.фалсафа док (PhD)дис. ...авторсиф. –Самарқанд, 2018. –Б.51; Болтаева Б.Ўзбек тили фразеологик бирликларнинг трансформацияси (семантик-прагматик тахлил): Филол.фан.фалсафа док (PhD)дис. ...авторсиф. –Самарқанд, 2019. –Б.48; Мусаев А. Грамматическая разработка глагольных фразеологизмов в толковых словарях русского языка Диссер. док. филол. наук (PhD) –Ташкент, 2019. –С.123.

⁵¹Маматов А. Лексик интеграция асосида фразеологизмларнинг шаклланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1999. №6. –Б.29-33; Умаров Э. Фразеологическая контаминация языка Алишера Навои // Сов. тюркология. –Ташкент, 1974. №5. –С.23-27; Рахматуллаев Ш. Фельд фразеологик бирликларда мавжудлик категорияси // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1963. №4. –Б.32-36.

Лингвокультурология – это наука, изучающая язык как культурный феномен и предметом его являются язык и культура во взаимосвязи. В.И.Телия об этом пишет так: «Лингвокультурология –это наука человеческая, точнее, наука, изучающая человеческий фактор в культуре»⁵³. Языковед Г.Г.Слышкин в своих исследованиях конкретизирует эту мысль и подтверждает, что центром лингвокультурологии является культурный феномен, и она считается явлением, относящимся антропологической парадигме науки о человеке⁵⁴.

В узбекском языкознании научные изыскания Салиевой З.И. посвящаются концептуальным значимостям и национально-культурным спецификам сентенций в английском и узбекском языках.⁵⁵ Монография Д.Худайбергеновой «Антропоцентрическое исследование текста» посвящается изучению лингвокультурологических особенностей текста⁵⁶. В учебнике «Лингвокультурология» Ш.Усмоновой освещены разнообразные задачи языка и культуры, основные цели и задачи, направления и методы лингвокультурологии, анализ лингвокультурологических единств, сопоставление символов и стереотипов в различных лингвокультурах, о месте культуры в языке⁵⁷. В учебном пособии А.Маматова «Фразеология узбекского языка» разъясняются лингвокультурологические и дидактические значения при изучении фразеологических единств⁵⁸.

В диссертации впервые изучается понятие *этнофразеология*, которое с новыми взглядами вошло в мировое языкознание. Основатели данной области ученые-языковеды В.А.Аверченко, Т.И.Скоробогатова, М.С.Гутовская в своих исследованиях⁵⁹ доказывают, что *этнофразеология* именно в единстве слов-этнонимов являются точными и прозрачными по отношению к другим языковым единствам, направлением по изучению фразеологических единств с этнофразеологических точек зрения мы считаем необходимым.

В названных выше работах еще не исследованы фразеологические единства с лингвокультурологической, лингвопрагматической точек зрения как живые коммуникативные процессы и принимаемые в них языковые

⁵²Маматов А. Фразеологизмларнинг шаклланиш асослари. –Тошкент, Наврўз, 1996. –Б.54; Рахматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. –Тошкент, Фан 1970. –Б.60; Йулдошев Б.Ўзбек тилида фразеологизмларнинг услубий ва прагматик имкониятлари. –Самарқанд, Сам.ДУ нашри, 2002. –Б.37;

⁵³Телия В.И. Русская фразеология: семантические, прагматические и лингвокультурологические аспекты. – Москва, Школа «Языки русской культуры», 1996. –С.222.

⁵⁴Слышкин Г.Г. От текста к символу к символу. Лингвокультурные концепты прецедентных текстов в сознании дискурса. –Москва, Академия, 2002. –С.128.

⁵⁵Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально-культурная специфика сентенций в английском и узбекском языках: Авторсиф. док. дис. ...канд.филол.наук. –Тошкент, 2010. –С.25.

⁵⁶Худайбергенова Д. Матнинг антропоцентрик таъқиқи. –Тошкент, Фан, 2013. –Б.136.

⁵⁷Усмонова Ш. Лингвокультурология. –Тошкент, 2019. –Б.246.

⁵⁸А.Маматов. Ўзбек тили фразеологияси. Ўқув қўлланма. –Тошкент, Наврўз, 2019. –Б.224.

⁵⁹Скоробогатова Т.И. Этническая картина мира и этноидиоматика // Вест. Православ. Свято-Тихон. Гуманитар. Ун-та Сер.3. Филология, 2007. №9.С.97-114. Гутовская М.С. К вопросу этноспецифичности во фразеологии: этнокогнитивная специфичность. Когнитивные факторы взаимодействия фразеологии со смежными дисциплинами. Сборник научных трудов. –Белгород. 2013. –С.129; <https://elth.bsu.by/handle/123456789/207863>;

выражения в синхронном действии в связи с народным менталитетом. В нашей работе, принимая во внимание вековые народные обряды, предания, обычаи, нравы и воспитание, образ и символы жизни, фразеологические выражения исследуются с этнической, семантической и лингвокультурологической стороны, так как они считаются источником бесценных сведений культурного народного мышления и менталитета.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего учебного заведения, где выполнена диссертация. Диссертация выполнена в рамках плана научно-исследовательской работы Джизакского государственного педагогического института № 1 «Актуальные проблемы филологических наук и новые педагогические технологии для их внедрения на практике» (2018-2020 гг.).

Цель исследования раскрытие символических особенностей в семантико-прагматических, лингвокультурологических масштабах языка с национально-культурных точек зрения этнофразем с компонентами, обозначающих названия продуктов питания, одежды, зооморфизмы, цвет и числа.

Задачи исследования:

определение сущности в рамках языка национально-культурной семантики в лингвокультурологическом ментальном исследовании фразеологических единств с компонентами, имеющих ментальные особенности;

исследование фразеологических единств с компонентами, выражающих продукты питания, которые служат самым основным обычаям народа, показывают морально-духовные потребности и определяют вкусы народов данной национальности;

описание языковых богатств народа, его мышления, красочность, служащая своеобразности охватывающих в себе национальные ценности зоонимические фразеологические единства, рассмотрение их этнокультурных особенностей, рассмотрение на основе языковедческих традиций;

описание (демонстрация) лингвокультурологических особенностей фразеологических единств, обозначающих цвета и числа, процесс и история их создания, этимология, привлекательность фразеологических единств по предположению людей других национальностей;

лексико-семантическое, функциональное, системно-структурное и тематическое разъяснение этнофразем узбекского языка с опором на опыты мирового языкознания.

Объектом исследования являются фразеологические единства из фразеологических словарей с компонентами, обозначающими названия продуктов питания, различные цвета и числа, зоонимы, также индивидуально-авторские фразеологические единства.

Предмет исследования – лингвокультурология фразеологических единств и их семантико-прагматическое исследование.

Методы исследования. При освещении использованы приемы классификации, описания, сопоставления, семантико-структурный, сопоставительно-исторический анализ компонентов.

Научная новизна исследования состоит в следующем:

раскрыты социальные, исторические и этнокультурные особенности фразеологических единств с компонентами, означающими одежду, продукты питания, зоонимы типа «*румол урамок*», «*нонини туя килмок*», «*мусичадай беозор*», которые тесно связаны с традициями и обрядами, имеющих отношение к традициям, обрядам и религиозным обычаям, определявших степень народного мышления;

определены положительные коннотации фразеологических единств с компонентами, означающих цвета типа «*оққўнгил*», «*оқ ювиб, оқ тарамоқ*», «*оқи оқ, қизили қизил*» «*оқ қилмоқ*», *ичи қора*, «*оқ сутини оққа, кўк сутини кўкка соғмоқ*» с семантической точки зрения искренности, доброты, красоты, радости, также с отрицательной коннотацией недовольства, зависти и лени подобных фразеологизмов;

обосновано выражение символических значений единства, солидарности, единодушия, создания семьи, недолговечности, опрометчивости, спешки, бестолковости, безвыходности, которые отражены во фраземах со значением числа типа «*бир бошини иккита қилмоқ*», «*тўрт кунлик дунё*», «*санамай саккиз дема*», «*эшак элликка кирганда қилиқ чиқарар*», «*сичқоннинг ини минг танга*»;

определен круг диахронного использования национально-культурной семантики фразеологических единств типа «*тўнини тескари киймоқ*», «*атлас кўйлакка бўз ямоқ*», «*кавуши кўчада қолгани йўқ*», «*оқ фотиҳа*», «*қора саҳифа*», отраженных в словарях и относящихся народной жизни случаев и событий с моральными, духовно-культурными, национальными традициями и обрядами;

сопоставление охвативших национальные ценности фразеологических единств с этнокультурными особенностями других языков и раскрытие их различий, схожестей и лингвопрагматических возможностей, определен семантический и тематический объем, семантико-прагматические особенности в исследовании лингвокультурологических особенностей фразеологических единств;

разъяснены с этнокультурологических точек зрения фразеологические единства с компонентами, обозначающих продукты питания, «*нони яримта*», «*нонини туя килмок*», «*ош бермок*» и подвержены этимологическому, семантическому, статистическому и сопоставительному анализу данные в толковых словарях фразеологические единства;

аргументированы примерами данные в словарях пласты и круги их использования, анализируется национально-культурная семантика фразеологических единств «*тунини тескари киймоқ*», «*атлас куйлакка буз ямоқ*», «*кавуши кучада колгани йуқ*»;

обоснованы на примерах история, этимология фразеологических единств «оқ фотиҳа», «кўк киймоқ», «қора саҳифа», также функционально-семантические особенности подобных этнофразем;

описаны в языковых традициях и разъяснены этнокультурные особенности, служащие раскрытию картин национального менталитета, также охватившие в себе национальные ценности фразеологические единства с компонентами, обозначающих зоонимы, одежду, продукты питания, цвет и число.

Практические результаты исследования заключается в следующем:

результаты исследования показывает, что их можно использовать в определенном научно-теоретическом обогащении и более глубоком изучении этнофразеологической лингвистики и этнолексикографии как новых направлений языкознания;

обобщенные заключения диссертации могут обогащать фразеологическую теорию этнофразем, они могут быть важным источником для изучающих фразеологические единства в зональном и общем этнофраземическом аспекте;

основанные на примерах этнофразем итоги исследования могут дать не только важные научно-теоретические сведения, но и могут служить для создания учебников и учебных пособий, изучающих вопросы языка и культуры этнолингвистики, лингвокультурологии, социоллингвистики, антропоцентрическому языкознанию.

Достоверность результатов исследования заключается в обосновании новых направлений и методов анализа мирового языкознания, в разъяснении на основе живой народной разговорной речи, пояснение на основании природы этнофразем, взятых из созданных фразеологических словарей, опора на точные научные источники в передаче теоретических сведений, завершенность в методическом отношении, в точном и достаточном обосновании поставленных задач, в признании итогов исследования достоверными государственными структурами.

Научная и практическая значимость результатов исследования.

Научное значение результатов исследования определяется служением для решения научно-теоретических проблем во фразеологии, этнолингвистике, смежных отраслях по изучению языковых и культурных связей.

Практическая значимость исследования заключается в совершенствовании учебников, учебных пособий по лингвокультурологии, этнолингвистике фразеологизмов узбекского языка, в организации специальных курсов по «Фразеологии», «Лексикологии», «Этнолингвистике», «Лингвокультурологии» в направлениях бакалавриата и магистратуры высших учебных заведений.

Внедрение результатов исследования. На основе семантических и лингвокультурологических исследований фразеологических единств:

использованы в теоретической части фундаментального проекта «Методика развития родного языка и литературы в соответствии с нормами

нового алфавита и правописания каракалпакского языка» под номером ФЗ – 2016-0908165532, выполненного в 2017-2020 годах (справка №147 Министерства Высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан от 5 июля 2021 года) фразеологические единства с компонентами, означающими одежду, продукты питания, зоонимы типа «*румол урамоқ*», «*нонини туя қилмоқ*», «*мусичадай беозор*», которые тесно связаны с традициями и обрядами, имеющими отношение к традициям, обрядам и религиозным обычаям, определявшим степень народного мышления.

В результате этого добились совершенствования семантических, статистических и сопоставительных анализов проекта, также обогащения примененных в проекте отдельных слов и фразеологизмов, трудных в понимании, их орфографии и лексикографических толкований, также определены положительные коннотации фразеологических единств с компонентами, означающих цвета типа «*оқкўнгли*», «*оқ ювиб, оқ тарамоқ*», «*оқи оқ, қизили қизил*» «*оқ қилмоқ*», *ичи қора*, «*оқ сутини оққа, кўк сутини кўкка соғмоқ*» с семантической точки зрения искренности, доброты, красоты, радости, также с отрицательной коннотацией недовольства, зависти и лени подобных фразеологизмов; обосновано выражение символических значений единства, солидарности, единодушия, создания семьи, недолговечности, опрометчивости, спешки, бестолковости, безвыходности, которые отражены во фраземах со значением числа типа «*бир бошини иккита қилмоқ*», «*тўрт кунлик дунё*», «*санамай саккиз дема*», «*эшак эликка кирганда қилиқ чиқарар*», «*сичқоннинг ичи минг танга*»; определен круг диахронного использования национально-культурной семантики фразеологических единств типа «*тўнини тесқари қиймоқ*», «*атлас кўйлакка бўз ямоқ*», «*кавуши кўчада қолгани йўқ*», «*оқ фотиҳа*», «*қора саҳифа*», отраженных в словарях и относящихся народной жизни случаев и событий с моральными, духовно-культурными, национальными традициями и обрядами;

частично использованы разъяснение фразеологических единств с компонентами, выражающих продукты питания «*нони яримта*», «*нонини туя қилмоқ*», «*ош бермоқ*», этимологический, семантический и сопоставительно-статистический анализ фразеологических единств; анализ значимости в рамках языка национально-культурной семантики фразеологических единств и их пластов, данных в словарях, «*тўнини тесқари қиймоқ*», «*атлас кўйлакка бўз ямоқ*», «*кавуши кўчада қолгани йўқ*»; частично использованы результаты анализа истории и этимологии фразеологических единств «*оқ фотиҳа*», «*кўк киймоқ*», «*қора саҳифа*», также функционально-семантические особенности этнофразем в практическом проекте MUZ-2015-0725140051 «Создание словаря анлийско-русско-узбекского фразем для развития речи учеников начальных классов и внедрение его на практику» (справка №04-430 Министерства Высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан от 26 июня 2021 года). В результате данных работ вполне завершены разъяснения и анализ образования слов и фразеологических формирований;

были использованы в раскрытии вопросов лингвокультурологических исследований фразеологических единств теле- и радиопередачи «Толковый словарь», также «Есть язык – жива нация» (справка Джизакской телерадиокомпании Узбекской национальной телерадиокомпании №01-08/687 от 4 июня 2021 года). В результате оказана помощь в обеспечении научной популярности и необходимости таких телерадиопередач, которые имели научно-практическое значение.

Апробация результатов исследования. Результаты исследования апробированы докладами на 6 международных и 5 республиканских научно-практических конференциях.

Публикация результатов исследования. По теме диссертации опубликованы 18 научных статей и тезисов: из них 5 в рекомендованных Высшей аттестационной комиссией Республики Узбекистан для издания основных результатов докторских диссертаций научных изданиях, 2 в зарубежных научных журналах и 11 в научных сборниках.

Структура и объем диссертации. Диссертация состоит из введения, трех глав, заключения и списка использованной литературы. Общий объем диссертации 147 страниц.

ОСНОВНОЕ СОДЕРЖАНИЕ ДИССЕРТАЦИИ

Во «Введении» диссертации обоснованы актуальность и востребованность темы диссертации, указаны соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики и степень изученности проблемы, связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего учебного заведения, где выполнена диссертация, цели и задачи исследования, объект, предмет и методы исследования, научная новизна исследования, определены практические результаты и достоверность результатов исследования, научная и практическая значимость, внедрение, апробация и выявление результатов исследования, также структура и объем диссертации.

Первая глава диссертации называется «Лингвокультурологическое ментальное исследование фразеологических единств» и она состоит из трех разделов. Первый раздел главы посвящен теме «Лингвокультурология фразеологических единств с компонентами названий одежды». Языки отличаются друг от друга не только строем, но и по своему национально-социальному отношению. Такие отношения более точно выражаются в языковых единствах. Представители определенного языка являются в то же время представителями определенной культуры. Любая культура находит свое выражение в языке и они, естественно, отражаются во фразеологизмах. На сегодняшний день лингвокультурология является социальной областью, которая глубоко изучает духовную культуру в национальном языке и языковых процессах.

Лингвокультурология – это область, изучающая мифы, легенды, обычаи, традиции, обряды, привычки, символы определенной культуры. По взглядам

В.Н.Телии, лингвокультурология в первую очередь исследует живые коммуникативные процессы и связи, применяемых в них языковых выражений с синхронным действием народного менталитета. Лингвокультурология, как самостоятельное направление языкознания, появилась в 90-годах XX- столетия, и этот термин (лат. *lingua* «тил», *cultus* «хурмат килиш, таъзим килиш») возник в связи с проведенными исследованиями Московской фразеологической школы под руководством В.Н.Телии⁶⁰.

Известно, что развитие образа жизни человечества появилось в тесной связи с бытовыми потребностями в одежде. Именно одежда является внешним знаком, отличающим человека от животного. Узбекский народ находится в передних рядах с точки зрения культуры одеваться. Тысячелетиями раньше наши деды и прадеды одевали яктак (легкий летний халат без подкладки), на ноги – кавуш-махси, сапоги, на голову надевали шаблущ, дуппи, телпак, на тело – чапан, тун, на поясицу завязывали белбог, карс.

Фразеологическое единство «*тўнини тескари киймоқ*» употребляется в значении «быть в упрямом состоянии из-за злости на кого-либо». Настоящее значение этого фразеологизма раскрывает фразема «*камбагалии урма, сўкма, тўнини йирт*» (дословно «бедняка не бей, не ругай, а только порви его чапан»). Злой на все, готовый к драке бедняк *одевал свой чапан наизнанку*, чтобы после драки кровь из его тела попадала на подкладку чапана, пусть порвется подкладка, если чапан порвется, а заплатка пусть будет на подкладке. У бедняка был всего один чапан, если он порвется, то у него не было другого. По нашим наблюдениям, семантическое развитие слова *тўн* в лингвокультуре многих тюркских языков произошло так: слово «*тўн*» – очень широко распространенное название одежды в тюркских языках, и известный языковед Л.Будагов отмечает⁶¹, что оно в татарском языке звучит как *тон*, в тюркском языке как *дон* – *тўн*, сапоги, обувь, в киргизском языке означает «летнюю женскую одежду». Является основанием для предположения то, что это слово означает названия различных одежд по названию сырья. Данное предположение станет более точным, если обратиться к форме и значениям этого слова в других тюркских языках. В особенности, употребляются в значениях в хакасском языке *тон* – «пустин» (шуба)⁶², в ногайском *тон* – «тери»(кожа), «тулуп», в такой основе *тонлав* – «сдирать шкуру с мертвого или добытого на охоте животного», *тонлик* – «кожа для одежды»⁶³, в татарском языке *тун* – «тун», «пустин», «*туналу*» – «сдирать кожу»⁶⁴. В.В.Радлов считает, что данное слово в семантическом отношении связано со словами в тувинском языке *диин*, с употребляемой в

⁶⁰ Телия В.Н. Русская фразеология: семантические, прагматические и лингвокультурологические аспекты. – Москва: Школа «Языки русской культуры», 1996. – С.286.

⁶¹ Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Том II. – СПб., 1871. – С.753.

⁶² Хакасско-русский словарь. – Москва, 1983. – С.23.

⁶³ Ногайско-русский словарь. – Москва, 1963. – С.356-357.

⁶⁴ Татарско-русский словарь. – Москва, 1966. – С.556.

форме *тежен* // *тин* в башкирском языке словом *тин* («белка»)⁶⁵. Д.Абдувалиева, исследовавшая исторические произведения Алишера Навои, утверждает, что *тийин* является зоонимом, и оно в настоящее время употребительно и имеет значение «белка»⁶⁶. В таком виде появились на основе значения старого тюркского слова *тин* значение денежной единицы (*тийин* в узбекском, *тин* в таджикском), *деньги* – (деньга – танга) в русском, *тон* в корейском. Приведенные лексикографические толкования и анализы⁶⁷ ещё больше конкретизируют, что слово *тун* вначале имело значение «кожа».

В категорию этнокультурологических универсалий можно привести из фразеологических единств русского языка в качестве примера этнофразему «*краснеть как сарафан*» – «краснеть от волнения». Видно, что в составе этого фразеологического единства приводится название верхней одежды русских женщин «сарафан». *Сарафан* или *понёва* (юбка из шерстяной ткани) считается русской национальной женской одеждой. Сарафан – это старинная мужская одежда (чекмень – верхняя одежда типа кафтана), впоследствии стал женским праздничным одеянием и, в основном, был сшит из красной материи. Достоин внимания то, что название старинной русской национальной одежды «*сарпо*»⁶⁸, то есть «одежда, в которую одевают человека один раз полностью, с головы до ног», произошло из этой лексемы, и эта сторона показывает, что некоторые исторические названия национальной одежды стариннее названий национальной одежды других народов.

Является основой для создания национальных фразеологизмов специфических реалий и названий одежды у каждого народа. Например, «*тўнини тескари кийиб олмоқ*» – быть в упрямом состоянии из-за злости на кого-либо, «*дўптисини осмонга отмоқ*» – сильно обрадоваться, «*дўпти тор келди*» – быть в трудном положении, «*бир-икки яктакни ортикроқ йиртган*» – старше по возрасту, с большим жизненным опытом, «*атлас кўйлакка бўз ямоқ*» – незначительный недостаток может испортить хорошее дело, «*пайтавасига қурт туиди*» – испортилось спокойствие, не может сидеть спокойно⁶⁹. Кроме этого в данном разделе исследованы этнофраземы с указывающими на национальную основу компонентами, обозначающими разновидности одежды – *рўмол, чопон, тўн, дўпти, маҳси, кавуш, мурсак, камзул, салла*, также национальные ткани – *атлас, адрас* и *бекасам* с точки зрения лингвокультурологии.

Во втором разделе первой главы, который называется «*Выражение менталитета во фразеологизмах с компонентами, выражающими продукты питания*», освещен имеющий свое место национально-культурный лингвокультурологический концепт этнофраземы с компонентами, выражающими продукты питания с отражением образцов менталитета.

⁶⁵ Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Том III. СПб., 1905. – С. 1360-1361.

⁶⁶ Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. – Тошкент. Фан, 2016. – Б. 115.

⁶⁷ Норбоева Ш.Х. Хоразм шеваларидаги кийим-кечак номларининг структур-семантик таълиқи. Автореф. дис. (PhD). – Тошкент, 2017. – Б. 16.

⁶⁸ Узбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 3-жилд. – Тошкент, 2006. – Б. 446.

⁶⁹ Усмонова Ш. Лингвокультурология. – Ташкент, 2019. – С. 97.

